Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2021 йил
6 март
шанба
№ 29-30-31
(4471)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Кун нафаси

Давлатимиз раҳбари **«8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»**ги фармонга имзо чекди.

* * *

4-5 март кунлари **Қозоғистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ерали Тугжанов** бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири **Абдулазиз Комилов** Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги делегацияси раҳбари этиб тайинланган элчи **Шарлотта Адрианни қабул қилди.**

* * *

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири **Абдулазиз Комилов** Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган **Олган Бекарни қабул қилди.**

* * *

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори **Шоазим Миноваровга** 2016 йилда Франция медицина академияси, «Авиценна – Франсе» (Ибн Сино – Франция) жамияти ва МЕД21 дастури томонидан таъсис этилган **Халқаро Ибн Сино мукофоти топширилди.**

* * *

Маданият вазирлигида **Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатасининг навбатдаги бошқарув аъзолари йиғилиши** бўлиб ўтди.

* * *

Жорий йилнинг 10 мартидан бошлаб, **«Термиз – Урганч – Термиз»** авиайўналиши бўйича янги рейс йўлга қўйилади.

Учрашув

«МИЛЛАТНИНГ ФАХРИГА АЙЛАНГИН, АЁЛ!»

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Қаҳрамони Лолахон Муродова билан учрашув ҳамда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами муносабати билан «Миллатнинг фахрига айлангин, аёл!» деб номланган мушоира кечаси ўтказилди.

Ёзувчи ва шоиралар, Абдулла Қодирий номидаги Ижод мактаби ўқувчилари иштирокидаги тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони Лолахон Муродова ўз ҳаёт йўли ҳақида ибратли воқеаларни сўзлаб берди.

Лолахон Муродова бугунги кунимизнинг қаҳрамонлари бўлган опа-сингилларимизнинг ёрқин намояндаси сифатида ўзининг ибратли фаолияти ва юксак инсоний фазилатлари билан кўпчиликнинг чуқур ҳурматини қозонган. Оддий ўзбек аёллари орасидан етишиб чиққан заҳматкаш фермер бугун том маънода мардлик ва матонат тимсолига айланган. У бутун умрини она заминга, деҳқончиликка бағишлаб, юксак натижаларга эришмоқда.

Чинакам замонамиз қаҳрамонига айланган заҳматкаш фермер юртимиз тараққиёти йўлидаги улкан хизматлари учун «Ўзбекистон Қаҳрамони», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» унвонлари, «Эл-юрт ҳурмати» ва «Фидокорона хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган.

Адабий кечада қатор ижодкорлар уюшманинг эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Тадбир назм ва наво кечасига айланиб кетди. Шеърлар ўқилди, қизғин мушоира ўтказилди. Таниқли хонандалар томонидан айтилган куй-қўшиқлар даврага ўзгача файз улашди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг таълим ва касбий кўникмалар олиши ҳамда бандлигини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, жойларда «Аёллар дафтари»ни шакллантириш ва унга киритилган хотин-қизлар муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишларини тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш борасидаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида, шунингдек, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ:

1. **Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши** (кейинги ўринларда – Республика кенгаши) **1-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин** ва **унинг асосий вазифалари этиб** қуйидагилар белгилансин:

хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш;

хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш;

ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш;

турар жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалаларни чуқур таҳлил қилиш, илғор тажрибалар асосида мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

хотин-қизларнинг оилаларни мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда уларнинг фарзанд тарбиясидаги ролини ошириш чораларини кўриш;

2

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 – қисқа рақамли «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин.
Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда.
Бу ерда барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.
Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг доимий эътиборида!

Бугунги сонда ўқинг



Эътироф

ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК!

2021 йилнинг 4 март куни давлатимиз раҳбарининг «8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

Ушбу ҳужжатга биноан мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий, таълим-фан, санъат ва маданият, соғлиқни сақлаш соҳаларида муносиб хизмат қилаётган бир гуруҳ аёллар тақдирланди.

Хусусан, узоқ йиллардан буён Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Даволаш-профилактика маркази бош шифокори лавозимида фаолият юритиб келаётган Ирода Набиева ҳам «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Касаба уюшмалари фидойиси, оққўнгил ва самимий инсон Ирода Набиевани қўшалоқ байрам билан табриклаб, бу каби ютуқлар бардавом бўлишини тилаймиз.

Жиззах вилояти

«Зомин» санаторийсида 8 март – Халқаро хотин қизлар куни муносабати билан спортнинг бир қанча турлари бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

«Зомин»да завқли мусобақалар

Мазкур спорт мусобақаларида санаторийда хизмат қилаётган аёллар спортнинг шахмат-шашка, енгил атлетика каби турларида ўзаро беллашишди.

– Байрам муносабати билан ўтказилган спорт тадбирлари бизни бағоят қувонтирди, барча аёл ходимларимиз мусобақаларда фаол иштирок этишмоқда, руҳимиз ва жисмимиз янада тетиклашди, – дейди саноторийнинг кичик ҳамшираси, мусобақа ғолиби Озода Сафарова.

Мусобақалар якунида ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

12-11 қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1

ҳудудий хотин-қизлар жамоатчилик кенгашлари, маҳаллалардаги «Аёллар маслаҳат кенгашлари» фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш, уларга услубий-амалий кўмаклашиш;

«Аёллар дафтари» билан манзилли ишлаш, мутасадди ташкилотлар, секторлар томонидан хотин-қизларнинг муаммолари ўз вақтида бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

2. **Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси (Қ.М.Рафиков)** жойларга чиққан ҳолда қуйидаги йўналишларда ишларни **ҳар бир хонадон ва маҳалла кесимида** ташкил этиши белгилаб қўйилсин:

хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишларини уйма-уй юриш орқали ўрганиш ишларини ташкил этиш, сектор раҳбарлари, маҳалла раислари ва уларнинг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарларининг аёллар билан ишлаш борасидаги фаолиятини самарали ташкил қилиш;

«Аёллар дафтари»ни шакллантириш ва унга киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишлаш, ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ҳамда зўравонликка учраган аёллар муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича масъул идора ва раҳбарларнинг натижага йўналтирилган фаолиятини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш;

сектор раҳбарлари, ҳокимларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан жойлардаги хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиб, амалга ошириш ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳар ойда ҳисобот беришни йўлга қўйиш;

муҳтож хотин-қизларни санаториялар, даволаш-профилактика муассасаларида соғлигини тиклаш, ички туризм учун яратилган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда саёҳат ва дам олишларини ташкиллаштириш;

юқоридаги масалалар юзасидан мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан марказий ва маҳаллий телевиденияда кўрсатувлар ва чиқишларни ташкиллаштириш.

3. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси **Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) сифатида қайта ташкил этилсин ва **унинг асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган фарзандларини тарбиялаётган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож хотин-қизларга уй-жойларнинг бошланғич бадалини тўлаб бериш;

хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлиғини сақлаш, аёллар спортини ривожлантириш, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга кўмаклашиш;

хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларига ресурс маблағларини белгиланган тартибда жойлаштириш;

хотин-қизларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун зарур шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга кўмаклашиш.

Белгилаб қўйилсинки, Республика кенгаши (Т.К.Нарбаева, Қ.М.Рафиков) **Жамғарма маблағлари харажатлари параметрларини тасдиқлайди, маблағлардан тўғри ва самарали фойдаланиш бўйича доимий мониторинг ўрнатади**.

4. Қуйидагилар **Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари** этиб белгилансин:

Республика кенгашининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ ҳар йили **300 миллиард** сўмгача бўлган миқдорда ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланадиган Давлат бюджети маблағлари;

Жамғарманинг бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳисобидан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5.Белгилансинки:

а) Жамғарма ҳар йили АТ «Халқ банки»га **100 миллиард сўм** миқдоридаги маблағларни 2021 йилда Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз паст ставкада, 2022 йилдан бошлаб эса Марказий банкнинг асосий ставкасида йўналтиради;

б) қуйидаги дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган хотин-қизларга мазкур маблағлар ҳисобидан туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари тавсиясига кўра, **тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 3 йил**гача муддат ва **6 ой**гача имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида базавий ҳисоблаш миқдорининг **150 баравар**игача бўлган миқдорда кредитлар ажратилади:

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан маъқулланган дастурлар асосида ташкил этилган ўқув курсларини;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, маҳаллалардаги касб-ҳунарга ўқитиш масканлари ҳамда Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ёки нодавлат таълим муассасаларининг касбга ўргатиш ўқув курсларининг махсус ўқитиш дастурларини;

в) ажратиладиган кредитлар, истисно тариқасида, 2022 йил 1 январга қадар **Марказий банкнинг асосий ставкаси доирасида**, 2022 йил 1 январдан тижорат банки томонидан бозор тамойиллари асосида **мустақил равишда белгиланадиган ставкаларда берилади**. Бунда, тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда белгиланадиган ставкаларда бериладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш механизми қўлланилади;

г) Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси орқали Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги «Обод ва хавфсиз маҳалла» жамғармасига ва «Маҳалла ва оила» институтига Давлат бюджетидан ажратиб келинган маблағлар 2021 йилдан бошлаб Молия вазирлиги томонидан тўғридан-тўғри «Обод ва хавфсиз маҳалла» жамғармасига ва «Маҳалла ва оила» институтига ажратилади.

6.Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов):

а) 2021 йилда «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилган хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида, уларга **ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва ижтимоий уй-жойлар сотиб олиш учун** Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига:

нотурар жойларда истиқомат қилаётган аёлларни уй-жой билан таъминлашга – **10 миллиард сўмдан;**

отасидан айрилган, ёлғиз онаси қарамоғида бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга – **5 миллиард сўмдан** маблағ ажратсин;

б) бир ҳафта муддатда аёллар муаммоларини тизимли ва манзилли равишда ўрганиш ва ҳал этиш доирасида шакллантирилган **махсус жарроҳлик амалиётлари ўтказиш орқали даволанишга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар рўйхати**даги ҳамда «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилган хотин-қизларнинг даволаниши учун Жамғармага **30 миллиард сўм** йўналтирсин.

Белгилансинки, мазкур бандда кўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаштиришга Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатлари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан жами **240 миллиард сўм** йўналтирилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари:

2021 йилда «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган ва ўзгалар парваришига муҳтож хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш учун **80 миллиард сўм**, шунингдек, нотурар жойларда истиқомат қилаётган хотин-қизларга турар жой ижараси компенсациясини тўлаш учун **11 миллиард сўм**;

ҳар чорақда маҳаллий бюджет прогнозининг ортиқча бажарилган қисмининг **камида 15 фоизини** «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирсин.

Бош прокуратура (Н.Т.Йўлдошев) 2021 йилда мажбурий ундирувлар ҳисобидан «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаларига **150 миллиард сўм** маблағ йўналтирилишини таъминласин.

8. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Г.М.Маруфова) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда **2021 йил 1 майга қадар** мазкур қарорнинг 6–7-бандларида назарда тутилган маблағлар йўналтириладиган хотин-қизлар рўйхатини шакллантириб, тўловларни амалга оширишни бошласин.

Республика кенгаши (Т.К.Нарбаева, Қ.М.Рафиков) ушбу маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши ва манзилли ишлатилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин ҳамда масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб борсин.

9. Республика «Ҳунарманд» уюшмаси (У.Т.Абдуллаев) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Г.М.Маруфова), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда хотин-қизларни ҳунармандчиликка жалб этиш чора-тадбирларини амалга оширсин. Бунда:

2021 йил мобайнида ҳар бир ҳудудда асосан хотин-қизлар фаолият юритадиган ҳунармандчилик турларига ихтисослашган **кластерлар** фаолияти тажриба сифатида жорий этилади;

ушбу кластерлар ҳунармандчилик маҳсулотлари учун хом ашё етиштириш, уни қайта ишлаш ва сотиш фаолиятини қамраб олади, шунингдек, кластерлар устав капиталининг **50 фоизи** тенг улушларда Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ва Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, қолган **50 фоизи** ҳунармандларнинг ўз маблағи ҳисобидан шакллантирилади.

10.Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов), Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Г.М.Маруфова), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

«Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»ни самарали юритиш, ишсиз фуқароларга бандлик соҳасида тизимли ёрдам кўрсатиш ҳамда «маҳаллабай» тизим асосида ишларни ташкил қилиш мақсадида ҳар бир маҳаллада **меҳнат инспекторига «жамоатчи ёрдамчи»ларни жалб этиш**;

«жамоатчи ёрдамчи»лар билан 11 ой муддатгача жамоат шартномалари тузиш ҳамда уларнинг иш ҳақини меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир ярим баравари миқдорида белгилаш;

«жамоатчи ёрдамчи»ларнинг иш ҳақини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан молиялаштириш.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов) **бир ой муддатда**:

ўз тасарруфига ўтаётган касб-ҳунар таълим муассасаларининг бўш турган қисмини тадбиркорлик субъектларига ўқув хонаси ва ишлаб чиқариш цехи ташкил этиш учун 30 йилгача бўлган муддатга имтиёзли **ижарага бериш тартибини**;

хотин-қизлар тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг 3 ой мобайнида уларга берилган бўш турган биноларнинг ижара тўловларини Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача бўлган миқдорда тўлаб бериш, шунингдек, бўш турган биноларни **1 йилгача бўлган муддатда** имтиёзли равишда ижарага бериш тартибини жорий этсин.

12. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Г.М.Маруфова) бир ой муддатда:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда хотин-қизларни касбга ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида **грантларни эълон қилсин**;

Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий тузилмаларини аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида киритилган даъво аризалари бўйича **давлат божидан озод қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Бош прокуратура (С.Б.Ортиқова), Адлия вазирлиги (Р.К.Давлетов), Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобожонов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2021 йил якунига қадар **Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш** чораларини кўрсин. Бунда:

бир ой муддатда барча ҳудудларда зўравонликка учраган хотин-қизларга ёрдам кўрсатиш бўйича **биттадан намунавий марказлар** ташкил қилинсин;

ушбу **намунавий марказлар** фаолиятини йўлга қўйиш учун Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасидан жами **10 миллиард сўм** ҳамда маҳаллий бюджетлар қўшимча манбаларидан маблағлар йўналтирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги ПҚ–4749-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармонига мувофиқ 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тавсияномасига эга бўлган хотин-қизлар учун давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари ажратилганлиги, шунингдек, эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони икки бараварга ошириш орқали **икки мингтага** етказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома беришда «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг қиз фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратсин.

15. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб базавий тўлов-контракт асосида давлат олий таълим муассасасига қабул қилинган, **ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларни** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда давлат олий таълим муассасалари ҳисобидан ўқитиш тартиби жорий этилсин. Бунда, ўқиш учун тўлов пуллари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан **100 нафардан хотин-қизлар** учун ҳар йили маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан;

молиявий барқарор давлат олий таълим муассасалари томонидан уларнинг Кенгаши қарорига асосан **50 нафаргача хотин-қизлар** учун давлат олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

16. Мактабгача таълим вазирлиги (А.В.Шин):

а) **бир ой муддатда** Молия вазирлиги билан биргаликда қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин:

ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз аёлларнинг фарзандларини мактабгача таълим ташкилотларига имтиёзли рўйхатга киритиш орқали қабул қилиш;

боқувчисини йўқотган аёлларга фарзандини мактабгача таълим ташкилотлари, шу жумладан, оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаларига бериш харажатларини бюджетдан қоплаш;

б) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ой муддатда боланинг илк ривожланишига хизмат қиладиган мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини янада кенгайтириш мақсадида маҳаллаларда бўш турган ва фойдаланилмаётган бинолар (хоналар)ни хатловдан ўтказсин;

икки ой муддатда мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган маҳаллаларда мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болалар рўйхатини шакллантирсин;

2021 йил якунига қадар мактабгача таълимга эҳтиёж мавжуд бўлган маҳаллаларда, шу жумладан, қишлоқ жойларида мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини ташкил қилиш ва уларни зарур моддий-техника воситалари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

17. «Эл-юрт умиди» жамғармаси (А.Ш.Бекмуродов) Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** бакалавриат босқичини муваффақиятли тамомлаб, хорижий мамлакатларнинг нуфузли таълим, илмий ёки бошқа муассасаларига «Эл-юрт умиди» жамғармасининг стипендиялари асосида ўқишга юбориладиган стипендиатлар орасида хотин-қизлар улушини камида 20 фоизга кўпайтирсин.

18. Олий Мажлис палаталари **бир ой муддатда** хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларни давлат ва жамият олдидаги фидокорона хизматлари, мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий салоҳиятини оширишга қўшган ҳиссаси, иродаси, илмий ва амалий соҳалардаги эришган ютуқлари учун уларни рағбатлантиришни назарда тутувчи давлат мукофотларини таъсис этиш масаласини кўриб чиқсин.

19. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўз сессияларида мутасадди давлат органлари раҳбарларининг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга кўмаклашиш, шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича ахборотини эшитиб борсин.

20. Қуйидагилар:

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси Ижро этувчи дирекцияси тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Жамғарма Республика кенгашининг ишчи органлари ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

21. Республика кенгаши (Т.К.Нарбаева, Қ.М.Рафиков) **бир ой муддатда** Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида замонавий ижтимоий ва сиёсий фаол хотин-қизларнинг миллий имижини кенг тарғиб қилиш бўйича **медиа-режа ишлаб чиқсин** ҳамда унинг ижросини таъминласин.

22. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Хаджаев), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Г.М.Маруфова) **икки ой муддатда** ёшларга ҳар томонлама ўрнак бўлаётган аёлларимизни жалб қилган ҳолда, хотин-қизлар учун **«Иффатли аёл» телекўрсатуви** намойишини йўлга қўйсин.

23.Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хотин-қизларга мотивация бериш мақсадида фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар билан **доимий равишда** учрашувлар ташкил этиб борсин.

24. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

25. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2021 йил 1 июль** ва **2022 йил 1 январгача** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 5 март

Ўзбекистон ва ЕОИИ: ҲАМКОРЛИК БЎЛАДИМИ ЁКИ БЎЛМАЙДИМИ?!

Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, академик

ЕОИИ: ЯНГИ «ШАХМАТ ТАХТАСИ» (Сўзбоши ўрнида)

Сўнгги икки йилда Ўзбекистон билан Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида илмий, таҳлилий ва илмийликка даъво қилувчи маърузалар ва сохта мулоҳазалар сони кўпайиб кетди. Уларда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилади:

биринчидан, мамлакатимизнинг ушбу ташкилотдаги мақомини белгилаш;

иккинчидан, геосиёсий, жумладан, Ўзбекистон суверенитетига нисбатан, хавфлар ва таҳдидлар;

учинчидан, ЕОИИ билан ҳамкорликнинг, Марказий Осиёни ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналиши деб белгилаган Ўзбекистон учун ўта муҳим масала – минтақамиздаги интеграциявий жараёнларга, шунингдек, мамлакатимизнинг бошқа халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқалари, унинг ЖСТга аъзо бўлишига таъсирлари;

тўртинчидан, ЕОИИ аъзолари ўртасида манфаатлар тўқнашуви ва уларни енгиб ўтиш механизмлари.

Уларнинг аксарияти ушбу масалаларни геосиёсат, миллий иқтисодиёт ва геоиқтисодиёт, суверенитетни ҳимоя қилиш ва миллий манфаатларни илгари суриш, инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муҳожирларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, глобаллашув, шунингдек, дунёнинг турли ҳудудларида интеграция жараёнларининг ривожланиши нуқтаи назаридан кўриб чиқишга бағишланган.

Мазкур мавзулар бўйича нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки ЕИ, АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Туркия, ШҲТ, ИҲТ давлатларининг тадқиқотчилари ва экспертлари изланишлар олиб боришмоқда. Шу билан бирга, талабчан ва синчков ўқувчи ушбу кенг қамровли ва катта ҳажмли материаллар орасидан интеграцион жараёнларнинг тарихий, фалсафий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, маданий-гуманитар жиҳатларини тизимли ва чуқур ўрганишга асосланган объектив маърузалар ва ҳисоботларни топишда қийинчиликларга дуч келади.

Жиддий ва комплекс таҳлилий маърузалар қаторида Ўзбекистоннинг етакчи сиёсатшуносларидан бири, сенатор Қудратилла Рафиқовнинг «Марказий Осиё халқлари асрий орзуларининг амалга ошиши», «Ўзбекистоннинг ЕОИИга аъзо бўлиши масаласи бўйича», «Евроосиё Қўшма Штатлари ташкил топиши мумкинми? Ўзбек сиёсатшуносининг минтақавий интеграция ҳақидаги мулоҳазалари» каби туркум мақолаларини қайд этиш мумкин.

Олим ҳамда Ўзбекистоннинг ЕОИИ фаолиятида иштирок этиши ҳамда ушбу ҳамжамият билан яқин ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириши бўйича қарор қабул қилинишида бевосита иштирок этган депутат сифатида қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим, деб биламан.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганларидек, Ўзбекистон барча халқаро ҳамкорлар билан ўзаро алоқаларни изчил равишда кучайтириш ва мустаҳкамлаш, шу жумладан, ЕОИИ билан мулоқотни ривожлантириш тарафдори ва шундай бўлиб қолади.

Янгиланаётган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати очиқликка интилиш ва прагматизм, хатти-ҳаракатларининг аниқ ва изчил эканлиги, узоқ муддатли барқарор ривожланишни таъминлаш, қўшни мамлакатлар билан яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, камситмаслик тамойили асосида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш каби хусусиятлар билан характерланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, нуфузли халқаро ташкилотлар – БМТ, ШҲТ, МДҲ, ИҲТ, ЕИ, ЕХҲТ, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши, халқаро молиявий ташкилотлар – ХВЖ, Жаҳон банки, ЕТТБ, Ислом тараққиёт банки ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича «йўл хариталари» тасдиқланган ва амалга оширилмоқда.

Россия, АҚШ, Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Германия, Франция, Афғонистон, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тегишли «йўл хариталари» ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилмоқда. Яқин Шарқ давлатлари: Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Кувайт, Қатар, Уммон, Жазоир ва бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли ва ҳар томонлама муносабатлар мустаҳкамланмоқда.

Парламентнинг қуйи палатасида **Ўзбекистон ва ЕОИИ ўртасидаги ҳамкорлик масалаларини ўрганишни ташкиллаштириш бўйича ишчи гуруҳи** фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқиб, ишчи гуруҳ томонидан қуйидаги масалаларга устувор эътибор қаратилмоқда:

• ЕОИИга аъзоликнинг Ўзбекистон миллий иқтисодиётига, унинг бошқа халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлигига ижобий ва салбий таъсирини чуқур ўрганиш;

• кузатувчи сифатида ЕОИИ имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш, аъзо давлатларнинг бозорларида тўлақонли иштирок этиш борасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, миллий техник регламентларни ЕОИИ талабларига мослаштириш.

ЕОИИ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни самарали ташкил қилиш мақсадида **парламент томонидан тегишли «йўл харитаси» тасдиқланган**. Уни амалга ошириш юзасидан парламент назоратини ўрнатиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

«Йўл харитасини» ишлаб чиқишда миллий ва хорижий экспертлар томонидан атрофлича ўрганилган ва эътироф этилган бундай ҳамкорликнинг тарихий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маданий-гуманитар асослари эътиборга олинган.

Умуман, Ўзбекистоннинг устувор йўналиши Марказий Осиё бўлган самарали ташқи сиёсати қўшнилар билан муносабатларни йўлга қўйиш, Афғонистон билан ҳамкорликни кучайтириш, қудратли минтақавий ва жаҳон давлатлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бугун халқаро ҳамжамият **Янги Ўзбекистонни** ишончли ҳамкор, ўзининг халқаро мажбуриятларига содиқ давлат сифатида эътироф этмоқда. Халқаро рейтинглар ва индексларда Ўзбекистоннинг эгаллаган ўринлари ҳам яхшиланиб бормоқда.

РОССИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЕВРООСИЁ МАКОНИДА

Мамлакатимизнинг ЕОИИга кузатувчи сифатида қабул қилиниши Ўзбекистоннинг стратегик иттифоқдоши бўлмиш Россиянинг Марказий Осиё давлатларига нисбатан сиёсатда янги реалистик ёндашувларга таянаётганлигидан далолат бермоқда.

Файласуф **Жорж Сантаян** таъкидлаганидек, **кимки тарих сабоқларини унутса, уларни такрорлашга маҳкумдир**. Ушбу нуқтаи назардан, Қ.Рафиқов томонидан амалга оширилган, Марказий Осиё минтақаси ва давлатлари учун ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқарган **Марказий Осиё давлатлари ва Россия ўртасидаги муносабатларнинг минг йилдан ортиқ даврни қамраб олувчи тарихий тажрибасининг** таҳлили алоҳида аҳамиятга эга.

Хусусан, у Олтин Ўрда ҳукмдори Муҳаммад Ўзбекхон ва ўзбекларнинг бунгача тарқоқ бўлган рус князликларини ўз атрофида тўплаб, Руснинг ягона давлат сифатида шаклланишига туртки берган Москва князларининг сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан жиддий кучайишидаги ўрнини кўрсатиб ўтади. Шунингдек, Олтин Ўрда хони Тўхтамиш қўшинини тўлиқ тор-мор қилган буюк аждодимиз Амир Темурнинг «озод қилувчи» ролини таъкидлайди. Бунинг оқибатида рус халқи ва ўша давр князликлари Олтин Ўрта ҳукмронлигидан озод бўлди ва кейинчалик қудратли Рус давлатини ташкил этди.

Қ.Рафиқов томонидан келтирилган чор Россияси, Совет Иттифоқи ва мустақиллик давридаги Ўзбекистон-Россия муносабатларининг «юксалиши ва таназзули» сабабларининг таҳлили Ўзбекистон ва Россия, ЕОИИ ўртасида ўзаро конструктив алоқаларни ўрнатиш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга. Биз бундан тўғри хулоса чиқаришимиз, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни такрорламаслигимиз зарур.

Айниқса бугунги, мамлакатларимиз ўзаро муносабатларининг тегишли шаклини қайта белгилаб олаётган бир пайтда, бу ўта муҳим аҳамиятга эга, зеро, ўтмишдагидан фарқли ўлароқ, у тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурматга асосланган соғлом заминга таяниши керак.

Қуйидагилар Ўзбекистоннинг Россия ва ЕОИИ билан алоқаларини мустаҳкамлашга кўмаклашади:

биринчидан, бир асрдан ортиқ битта давлат ҳудудида бўлганлик тарихий тажриба, шунингдек, ишлаб чиқилган салмоқли шартномавий-ҳуқуқий асос;

иккинчидан, Россия бозорининг Марказий Осиё мамлакатлари маҳсулотини экспорт қилиш учун жозибадорлиги.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, яқин 50 йилда Россия АҚШ, ЕИ, Хитой ва Ҳиндистон билан бирга дунёнинг энг йирик ва жозибали бозорлари ва халқаро савдо марказларидан бирига айланади. Агарда бугунги кунда мавжуд жаҳон бозорларидаги рақобатнинг ўта кескинлиги, кўпгина мамлакатлар ўзлари ўрнашиб олган савдо майдонларига «янги ўйинчиларни» киритишга тайёр эмаслиги ёки буни истамаслиги эътиборга олинса, асосий эътиборни ана шу янги бозорларга қаратиш керак. Табиийки, глобаллашув кучайиб бораётган бир шароитда Ўзбекистон ва бошқа давлатлар бу муаммони ёлғиз ҳал қила олмайди. Бунга сиёсий, иқтисодий ва маданий-цивилизацион жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган мамлакатларнинг, масалан, ЕОИИга ўхшаш кўп форматли лойиҳалар доирасидаги умумий хатти-ҳаракатлари орқали осонроқ эришиш мумкин;

учинчидан, Россиянинг Марказий Осиё давлатларига ёрдамининг улкан кўлами, янги босқичи 2016 йилнинг охирида, Шавкат Мирзиёевнинг ҳокимият тепасига келиши билан бошланган рус-ўзбек муносабатларининг жадал ривожланиши. Бугунги кунда, хусусан, 2024 йилгача иккитомонлама иқтисодий ҳамкорлик дастури, умумий қиймати 25 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган савдо-инвестициявий келишувлар ва меморандумлар амалга оширилмоқда;

тўртинчидан, кенг Евроосиё маконида меҳнат ресурсларининг юқори ҳаракатчанлиги (мобиллиги). Бугунда Россия ва Қозоғистонда миллионлаб ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари меҳнат қилмоқда. Демак, меҳнат миграцияси масаласида янада яқинроқ ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу аҳоли бандлигига оид кўплаб долзарб масалаларни ҳал қилишга ва ЕОИИнинг малакали мутахассисларга ошиб бораётган эҳтиёжини таъминлашга ёрдам беради;

бешинчидан, ҳокимият тепасига Владимир Путин келгандан сўнг, Россиянинг геосиёсий стратегияси, Марказий Осиё ва Ўзбекистонга нисбатан ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий сиёсатида ўзгариш кузатилди, минтақамиз Россиянинг ҳаётий муҳим манфаатлари доирасига киритилди.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Беларусь экспертлари фикр-мулоҳазаларини ўрганиш шундан гувоҳлик берадики, ЕОИИнинг барча давлатлари ушбу ташкилотда Россиянинг етакчилик ролини тан олади. Аммо ЕОИИнинг жозибадорлигини қўллаб-қувватлаш учун Москва ушбу тузилманинг бошқа иштирокчиларига босим ўтказиш истаги ва ҳатто ҳиссиётига ҳам йўл бермаслиги керак. Улар суверен давлатлар сифатида ЕОИИдан бошқа лойиҳалар доирасида ҳам мулоқот қилиши ёки ҳамкорликни кучайтириши мумкин.

Шу жиҳатдан Қ.Рафиқовнинг Россия бундан буён ҳам бошқа иштирокчиларга нисбатан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий жиҳатдан жозибадор ва фойдали ҳамкор сифатида иш юритиши муҳим эканлиги тўғрисидаги мулоҳазасига қўшилиш мумкин. Фақат шу асосда у ЕОИИни кучайтириши, ўз атрофида сиёсий конъюктурадан холи ишончли «хавфсизлик камарини» шакллантириши мумкин.

HSBC глобал банк фикрига кўра, дунёнинг энг жадал ривожланаётган иқтисодиётига эга Ўзбекистоннинг ЕОИИга кузатувчи сифатида қўшилиши нафақат бизнинг юртимиз учун фойдали, балки тузилманинг ривожланишига ҳам туртки беради, унинг салоҳияти ва истиқболини мустаҳкамлайди.

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ +» ВА ЕОИИ

Шубҳасиз, жадал ривожланаётган Ўзбекистон учун Евроосиё жараёнларига қўшилиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Аммо, иккинчи томондан, ЕОИИда кузатувчи мақомига эга бўлиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиш бўлган Марказий Осиё йўналишидан буриб ёки уни иккинчи ўринга суриб юбормаслиги керак.

Мамлакатимизга ЕОИИда кузатувчи мақомининг берилиши экспертлар ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг энг муҳим ташқи сиёсий вектори деб белгиланган Марказий Осиё доирасидаги ва ЕОИИ доирасидаги интеграцион жараёнлар ўртасидаги номувофиқликларга сабаб бўлиши мумкинлиги борасидаги мунозараларга туртки берди. Жаҳон ҳамжамияти шуни тан оладики, Ўзбекистонда ҳокимият тепасига Президент Шавкат Мирзиёев келиши билан минтақавий интеграцияда янги босқич бошланди, қўшни давлатлар билан ўзаро алоқалар сифат жиҳатидан яхшиланди ва мустаҳкамланди. Бунда давлат раҳбарлари ўртасидаги маслаҳат учрашувларининг янги шакли принципиал аҳамият касб этди. 20 йиллик танаффусдан сўнг илк маротаба минтақа давлатлари раҳбарлари бир жойда йиғилиб, учинчи томонлар иштирокисиз, юзма-юз туриб, энг долзарб масалаларни муҳокама қила бошлади. Зеро, минтақада «муаммоларнинг ички доираси» мавжуд бўлиб, улар ташқи ўйинчиларни жалб қилмасдан ҳал қилиниши мумкин ва лозим. Уларни ҳал қилмасдан туриб, минтақа давлатлари ўз йўлида давом этиши мушкул.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг янги йўналиши қўшни давлатлардаги жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади, бутун минтақада геосиёсий вазиятни ва ўзаро ишончни соғломлаштиради. Натижада, хусусан, қуйидаги муаммоли масалалар конструктив ўзанга ўтказилди ва ҳал қилинмоқда:

биринчидан, чегараларни делимитация ва демаркация қилиш жараёнларини якунлаш, бунда заруратга кўра ҳудудларни ўзаро ён бериш ва тенг қийматли алмашиш амалга оширилди;

иккинчидан, ягона бозорни шакллантириш, товарлар, хизматлар, сармоялар ва ишчи кучининг, шунингдек, сайёҳларнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш;

учинчидан, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш ва энергетик муаммоларни ҳал қилиш;

тўртинчидан, минтақа ҳудудида ягона ахборот маконини шакллантириш, Марказий Осиё давлатлари эксперт-таҳлилчиларига фикр алмашиш ва мунтазам учрашувлар учун ягона платформани яратиш. Бу томонлар позицияларини яқинлаштиришга ҳамда минтақа мамлакатлари парламентлари ва ҳукуматларига тавсияларни ишлаб чиқиш йўли билан ташқи ва ички сиёсат масалалари бўйича ягона ёндашувларни шакллантиришга кўмаклашиши мумкин;

бешинчидан, минтақадаги тарихий воқеаларнинг ягона илмий шарҳига эришиш ва Марказий Осиё халқларининг умумий тарихи бўйича қўшма дарсликларни чоп этиш. Масалан, Парижда инглиз тилида чоп этилган ЮНЕСКОнинг «Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» олти томлик нашри мавжуд.

Аммо минтақа давлатлари ҳозирча интеграция жараёнининг бошида турибди. Иқтисодий ривожланиш учун биргаликда ҳаракат қилиш, бир-бирига имконият яратиш зарурлиги англанмоқда. Бу эса инвестициявий жозибадорликнинг кучайишига ва умуман минтақанинг савдо салоҳияти ўсиб боришига сабаб бўлади. Ўзбекистон томони қўшни давлатларга қуйидагиларни таклиф қилди:

• кўп томонлама ҳамкорлик масалаларида ягона ёндашувга эришиш;

• минтақа мамлакатларининг инвестицион форумини ўтказиш;

• ягона ва эсда қоладиган минтақавий туристик брендни яратиш;

• умумий туристик йўналишларни ишлаб чиқиш ва бунда ҳатто ягона туристик виза жорий қилинишини кўзда тутиш.

Минтақа давлатларининг жаҳон марказлари билан ўзаро ҳамкорлигининг **«С5 + 1» шаклида** (АҚШ, ЕИ, Япония, Туркия, Ҳиндистон – **«Марказий Осиёни бирлаштириб»** ташаббуси, Жанубий Корея билан – **«Евросиё ташаббуси»**), шунингдек, янги ташкил топган **«Марказий Осиё + Россия»** форматида ривожланиши минтақа давлатлари учун ҳам ўзаро, ҳам ташқи дунё билан ҳамкорлиги учун муайян замин ёки моделга айланиши керак. Оқибат натижада бу минтақадаги барча мамлакатлар халқлари учун манфаатлидир.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЙЎНАЛИШИ

ЕОИИ мамлакатлари Ўзбекистоннинг асосий, табиий савдо ҳамкорлари ҳисобланади. Сўнгги йилларда, ҳатто пандемия шароитида ҳам Ўзбекистоннинг ЕОИИ давлатлари билан товар айланмаси икки баравар ошди, ташқи савдонинг қарийб 70 фоизи Россия ва ЕОИИ билан боғлиқ.

Мамлакатларимиз иқтисодиёти кўп жиҳатдан бир-бирини тўлдиради. Йўлга қўйилган самарали кооперация ва ЕОИИ давлатлари инвестициялари иштирокида иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритаётган минглаб қўшма корхоналар ҳам шундан далолат беради. Масалан, Ўзбекистонда Қозоғистон сармоялари иштирокида **890** дан ортиқ қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда (2018 йилга нисбатан ўсиш – 3,2 баравар), Россия сармоялари иштирокида **2 040** дан ортиқ қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда (ўсиш – 2,27 баравар).

Ўзбекистоннинг етакчи корхоналари учинчи мамлакатлар билан кооперацияни йўлга қўйган ва уларнинг бозорларини ўзлаштирмоқда, металлургия, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик соҳаларидаги лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширмоқда. Мамлакатимиз саноат кооперациясини чуқурлаштириш, илғор тажриба ва инновацион ёндашувлар асосида қўшилган қийматни яратиш бўйича барқарор занжирларни шакллантириш, шунингдек, бундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун Евроосиё тараққиёт банки билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор.

Мамлакат иқтисодий ривожланиши экспорт имкониятларини кенгайтиришни тақозо қилади. Айни пайтда ушбу йўналиш тобора кўпроқ бошқа мамлакатлар томонидан қўлланиладиган «ҳимоя чоралари» билан чекланмоқда.

Бундан ташқари, Қ.Рафиқовнинг ҳозирги пайтда дунёда аввал шаклланган давлатлараро муносабатлар тизимининг қайта ташкил топиши жараёни содир бўлмоқда, деган фикрига қўшилиш мумкин. Янги қутблашиш, бозорлар ва ресурслар учун кураш, кучлиларнинг кучсизлар устидан ошкора устунлик қилишга интилиши, қатъий, куч ишлатиш таҳдидини кўзда тутувчи ўз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш авж олмоқда.

Буларнинг барчаси ҳозирги пайтда ЕОИИ билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий муносабатлардаги тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш, янги бозорларни шакллантириш, мамлакатларимиз иқтисодиётининг салоҳиятини ошириш масалаларини кун тартибига қўйилишининг бош омилларидан бирига айланди.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, дунёдаги глобал ҳодисалар Марказий Осиё минтақасининг ичи ва унинг атрофидаги геосиёсий ва геоиқтисодий жараёнларга бевосита таъсир кўрсатмоқда.

МИНТАҚА ИЧИДАГИ ҲУДУД

Ўзбекистон ва ЕОИИ мамлакатларининг транспорт коммуникациялари ва инфратузилмаси чуқур интеграциялашган ва ўзаро узвий боғланган.

ЕОИИ доирасида транспорт ва транзит соҳасида ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш алоҳида долзарб аҳамиятга эга. Бу эса транспорт йўлакларидан янада фаол фойдаланиш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва юкламасини жиддий равишда кўпайтириш имконини беради. Бу Марказий Осиё – географик жиҳатдан минтақанинг энг ичкарисида, денгиз йўллари ва жаҳон савдо марказларидан олисда жойлашган ҳудуд учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли минтақа давлатлари денгиз коммуникацияларидан эркин фойдаланиш имкониятига эга мамлакатларнинг шу турдаги харажатларидан икки-уч баробар кўпроқ бўлган жиддий транспорт-транзит харажатларини амалга оширишга мажбур бўлмоқда.

Марказий Осиё мамлакатлари учун айнан Россия билан боғланган йўналишлар энг ўзлаштирилган ўзанлар ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистондан жўнатиладиган юк ташишлар ва товар оқимларининг **70-80 фоизи** айнан ушбу йўналишга тўғри келади. Жанубий йўналишни кўздан кечирадиган бўлсак, умуман ҳудуддан чиқадиган йўл йўқ, ғарбий томонда – ҳозирча халқаро савдо марказларига олиб чиқадиган самарали чиқиш имконияти мавжуд эмас, Шарқда Андижон – Ўш – Иркиштом темир йўл магистрали қурилишининг чўзилиши Хитой бозорига чиқишга тўсқинлик қилмоқда. Шу муносабат билан айтиш мумкинки**, «савдо йўллари – бу Марказий Осиё учун ўзига хос ҳаёт йўлидир».**

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг узунлиги 600 километр бўлган **Мозори-Шариф – Қобул – Пешавор темир йўлининг қурилиши бўйича ташаббуси амалга оширилишининг тарихий аҳамиятини қайд этиш зарур.** Февраль ойида Тошкентда илк бор уч томонлама ўзбек-афғон-покистон музокараларини ўтказишга ва минтақа халқлари узоқ вақтдан буён кутаётган ушбу темир йўл қурилиши бўйича «Йўл харитаси»нинг қабул қилинишига муваффақ бўлинди.

Лойиҳани амалга ошириш учун беш йил сарфланиши мумкин. Бунинг учун **4,8** миллиард АҚШ долларига тенг кредит маблағларининг жалб қилиниши кўзда тутилмоқда. ЖБ, ОТБ, ЕТТБ, ИТБ, Европа инвестицион банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Халқаро ривожланиш молия корпорацияси (АҚШ) ушбу лойиҳанинг амалга оширилишидан манфаатдор эканликларини тасдиқладилар. Бу Ўзбекистондан Покистонга жўнатилаётган товарларнинг ташиш муддатини **30-35** кундан **10-15** кунгача қисқартириш имкониятини беради. Айни пайтда «Жанубий Осиё – Афғонистон – Марказий Осиё – Россия – Шарқий Европа» маршрути бўйича экспорт-импорт юкларини ташиш трафикининг сезиларли кўпайиши кутилмоқда. Янги темир йўл бўйлаб юк ташиш Россия ва Покистон ўртасидаги транспорт харажатларини **15-20** фоизга, Марказий Осиё мамлакатлари билан Покистон ўртасида **30-35** фоизга қисқартириш имконини беради.

Умуман олганда, **Ўзбекистоннинг ЕОИИдаги кузатувчилик мақоми амалий ва кўп қиррали ўзаро ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва бирлашма доирасида содир бўлаётган муҳим жараёнларни яхшироқ тушуниш имконини беради.** Айни пайтда бундай ҳамкорликнинг ривожланиши тенг ҳуқуқлилик, ўзаро фойда ва бир-бирларининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланиши, айни пайтда, Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларига тўсқинлик қилмасдан, уларга кўмаклашиши зарур.

«Народное слово» газетаси,
2021 йил, 23 февраль

Жавоб кутаётган саволлар...

Сурхондарё вилояти

Халқ таълими вазирлигига!

УЛАР ҚАЧОН БОШҚА ТЕНГДОШЛАРИ КАБИ ЎҚИШАДИ?



Қумқўрғон туманидаги «Исломобод» маҳалласининг Бўлактепа қишлоғида яшаймиз. Маҳалламизда 59-умумтаълим мактабининг филиали бор. Билим маскани билан биз ишлайдиган филиал ораси 4,5-5 километр. Қишлоқчилик – йўлларимиз ёзда чанг, қишда лой. Мактабга қатнаш ўқувчи у ёқда турсин, ўқитувчига ҳам оғир. Филиалимизда 120 нафардан ортиқ ўқувчи икки навбатда таҳсил олади. 9-11 синфларда ўқийдиган ўғил-қизлардан 40 нафарга яқини асосий мактабга қатнайди. Қишлоқнинг 50 нафарга яқин болалари қўшни Олтинсой туманидаги умумтаълим мактабларида ўқишга мажбур. Дарсларни яхши ўтишимиз учун шароитлар яратилмаган. Ўқув қуроллари, турли фанлардан ўқув кўргазмалари билан таъминланмаган. Физика, химия ва биология фанларига оид лаборатория жиҳозлари ҳақида-ку, гапирмасак ҳам бўлади.

Қумқўрғон туман ҳокимлиги, туман халқ таълими ҳамда Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси раҳбарларига, жамоамиз ва ота-оналар томонидан, энг аввало, филиални мустақил мактабга айлантириб беришларини сўраб қилаётган мурожаатларимиз неча йилларки, жавобсиз қолиб келмоқда. Қўшимча янги 6 хонадан иборат бино учун ер ажратиб беришларини, ўзимиз ҳашар йўли билан мактаб қуришга тайёр эканлигимизни айтсак ҳам, эътиборга олишмаяпти.

Ҳайронмиз, ўқувчиларимиз бошқа тенгдошлари қатори яйраб ўқишларига қачон шароит яратилади?

Йўлдош ЖЎРАЕВ,
Гулчеҳра МАМАДИЕВА,
Йўлдош ТУРАПОВ,
Ҳилола ТОШБОЕВА,
Замира ТУРСУНОВА,
Қумқўрғон туманидаги 59-умумтаълим мактабининг «Бўлактепа» қишлоғидаги филиали ўқитувчилари

Андижон вилояти

Статистика қўмитасига!

СТАТИСТИК РАҚАМЛАРИМИЗ ПУФЛАБ ШИШИРИЛАДИМИ?



Бундан уч ой муқаддам иқтисодчи ва блогер Отабек Бакиров ўзининг телеграм каналида «Ўзбекистон буюк атиргул экспортчисига айланмоқдами? Йўқ, бу қип-қизил ёлғон» сарлавҳали пост эълон қилди.

Қисқача мазмуни шундай: Ўзбекистон статистикасига кўра, 2020 йилнинг дастлабки тўққиз ойи мобайнида Қирғизистонга 19,5 миллион долларлик атиргул экспорт қилинган. Қирғизистон давлат статистика қўмитаси маълумотларида эса, 2020 йилнинг саккиз ойида Ўзбекистондан жами 815 минг долларлик дарахтлар, гуллар ва манзарали ўсимликлар импорт қилингани айтилади.

Экспорт-импорт муносабатларидаги бу каби катта тафовутни бошқа маҳсулотлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон статистикаси 2020 йил январь-август ойларида Қирғизистонга 479 миллион долларлик экспорт қилинганини қайд этса, аксинча, қўшни давлат статистикаси ушбу муддатда мамлакатимиздан 115 миллион долларлик импорт амалга оширилганини ёзмоқда. Бу тафовут Ўзбекистондан Қирғизистонга экспорт қилинди дейилган 364 миллион долларлик товар ва хизматлар, аслида, қардош мамлакат ҳудудига кириб бормаганми, деган ҳақли шубҳа-гумонларни юзага чиқаради.

Юқоридаги ҳолатлар жамоатчиликда Ўзбекистон статистика қўмитасига бўлган ишончни сусайтиради-ку?! Ушбу масалага бирор-бир изоҳ бериладими? Ёки...

Зафарбек РОЗИҚОВ
Андижон тумани

Қашқадарё вилояти

Мактабгача таълим вазирлигига

ЙЎРИҚЧИЛАРНИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги «Асосий лавозимлар малака таснифлари тўғрисида»ги қарорида миллий стандарт классификатори 2349 коди бўйича мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган жисмоний тарбия йўриқчиси олий маълумотли педагог бўлиши кўрсатилган.

Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 20 октябрдаги 173-сонли «Мактабгача таълим ходимларининг асосий лавозимлар малака таснифларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғида эса жисмоний тарбия йўриқчиси камида ўрта махсус маълумотли бўлиши белгиланган.

2021 йилнинг январидан бошлаб мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўрта махсус маълумотли жисмоний тарбия йўриқчилари ишлаш ёки ишламаслигини ҳеч ким тушунтириб беролмаяпти. Масалан, Ғузор туманида 28 та мактабгача таълим ташкилоти бор. Бу уларда ишлаб келган 28 нафар ходимнинг тақдири билан боғлиқ.

Ташкилот раҳбари ва ходим ўртасида келиб чиққан меҳнат низоси ҳануз қонуний ечим топмаяпти.

Вазирлик бу борада қандай амалий йўл-йўриқ кўрсатади?

Эшпарда НИЁЗОВ
Ғузор тумани

Маданият вазирлигига!

Самарқанд вилояти

ҚИШЛОҚ АҲЛИ КУТУБХОНА ХИЗМАТИДАН БЕБАҲРА ҚОЛАВЕРАДИМИ?

Инсон маънавиятини юксалтиришда китобнинг ўрни беқиёс. Китобга бўлган талаб бугун ҳам камаймаган. Буни чуқур англаган давлатимиз раҳбари кутубхоналар хизматини қайтадан ташкил этиш топшириғини берган эди.

Ташаббусга жавобан туман марказларида биттадан кутубхона ташкил этилди. Аммо бу тизим имкониятидан ҳамма фойдаланяпти, дегани эмас. Афтидан, аҳолининг аксарият қисми марказда эмас, балки қишлоқларда яшаши унутиляпти, чоғи. Шуни инобатга олган ҳолда, кутубхоналар маҳалла марказларида ташкил этилса, нур устига нур бўлмайдими?

Баҳорой РУСТАМОВА
Қўшработ тумани

Мажбурий ижро бюросига!

Навоий вилояти

МАЪЛУМОТНИ КИМ БЕРИШИ КЕРАК?

2014 йил Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳрида турмуш ўртоғим Ҳ.Нарзуллаевни Ў.Исомиддинов деган фуқаро енгил машинасида босиб кетган эди. Эрим касалхонада вафот этган. Вояга етмаган 3 нафар фарзандим етим қолди. 2016 йили Кармана тумани фуқаролик суди Ў.Исомиддиновдан менинг фойдамга 18 миллион 800 минг сўм маънавий зарар ундириб беришга қарор қилди. Орадан 5 йил вақт ўтса-да, суд қарори ижро қилинмаяпти.

Ушбу масала юзасидан яқинда Самарқанд вилояти мажбурий ижро бюросига мурожаат этдим. Улар менга телефон қилиб, айбдор томоннинг, яъни Ў.Исомиддиновнинг мол-мулки ҳақида маълумотнома келтириб бersангиз, суд қарорини ижро қиламиз, дейишди.

Нима учун мажбурий ижро бюроси мол-мулк тўғрисидаги маълумотни мендан сўрамоқда? Уларнинг ўзлари маълумот тўплаши ва ижро қилиши шарт эмасми?

Гулжаҳон МАҚТАГАНОВА
Навоий вилояти Кармана тумани «Наврўз» маҳалласи

Тошкент вилояти

Қонунчилик палатасига!

ПОЙТАХТ БИҚИНИДА СУВСИЗ МАҲАЛЛА

Биз яшаб турган Юқори Чирчиқ тумани, «Нурафшон» МФЙ, Роҳат кўчасида ичимлик сув таъминоти тизими йўлга қўйилмаган. Шу сабаб ерости сувидан фойдаланамиз. Йиллар давомида кўп маротаба ҳокимиятга ва 2020 йилда эса Қонунчилик палатасига мурожаат қилганмиз. Афсуски, қўйнимиз пуч ёнғоққа тўлиб кетди.

Айни кунда ерости сувидан ҳам мосуво бўлдик. Ноаниқ сабабларга кўра, ерости суви ҳам йўқолиб қолди.

Наҳотки, пойтахтнинг шундоққина биқинида жойлашган маҳалла фуқаролари ичимлик сувига муҳтож бўлса?!.

Акмал МИРЖАЛИЛОВ
Юқори Чирчиқ тумани

Бухоро вилояти

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясига!

ТЕХНИК ИМКОНИЯТ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛАДИ?

Бухоро шаҳрининг Турди Фароғий кўчасидаги 75-кўп қаватли уйда яшайман. Уй телефони тармоғини ўтказиш учун «Ўзбектелеком» АКнинг ҳудудий филиалига ариза билан мурожаат этганман. Шунга ҳам беш йил бўлди. Биринчи навбатда эдим. Ўтган йилнинг ноябрида қайта ариза ёздим. Навбат бўйича яна биринчиман. Қайта-қайта мурожаат қилганимда, «Навбатга кўра, техник имконият пайдо бўлиши билан илтимосингиз қондирилади», деб уқтириб келишмоқда. Техник имконият қачон пайдо бўлади? Яна қанча кутиш мумкин, билмадим!

Нилуфар НЕКОВА
Бухоро шаҳри

Хоразм вилояти

НОМ БЕРГАН ЯХШИ ЭМАСМИ?

Илгарилари барча умумтаълим мактаблари машҳур инсонлар номи билан аталарди. Аммо кейинчалик нима учундир рақамларгина сақланиб қолди. Шундай бўлса-да, аҳоли мактабларни эски номлари билан атайди.

Айтайлик, мен узоқ йиллар Мирзо Улуғбек номи билан аталган мактабда физикадан дарс бердим. Барча ўқувчиларим Мирзо Улуғбек ҳаёти, фаолияти, жамият тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида билишарди. Шогирдларим орасида кўплаб географлар, физиклар, математиклар, муҳандислар етишиб чиқди.

Ҳозирда буюк шоир ва ёзувчиларимиз номи билан аталувчи ижод мактаблари ёш истеъдодларни кашф қилишга хизмат қилаётганидан хабардормиз. Бу анъанани барча умумтаълим мактабларига татбиқ қилинса, тўғри бўлмасмикан?

Ёш авлод саноқлигина буюк аждодларимиз ҳақида тасаввурга эга. Ҳар бир ҳудуд тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, эл орасида улкан обрў-эътибор қозонган раҳбарлар, олимлар, шоир ва ёзувчилар жуда кўп. Мактабларга улуғ сиймолар номи берилса, ёш авлод бу инсонлар ким бўлган экан, дея қизиқиши табиий. Эртага ўзининг ҳам номи қайсидир мактабга, қайсидир кўчага берилишини орзу қилади. Бу эса уларнинг аждодларга муносиб авлод бўлиб етишишларида ҳам муҳим аҳамиятга эга-ку, ахир!

Тарбиявий аҳамиятини инобатга олган ҳолда, мактабларга машҳур инсонлар номи берилса, айни муддао бўлармиди?..

Халқ таълими вазирлигига!

Қурбонбика ЎРОЗМЕТОВА
Урганч шаҳри

Фарғонадан қайтдик. Ҳамкасбларнинг бир ҳафталик Чимён дийдорлашув анжумани ғоятда самарали, қизиқарли ва фойдали ўтди. Қуруқ маърузабозлик бўлмади. Журналистикамизнинг бугунги аҳволига синчков назар ташланди, баҳс ва мунозараларга бой бўлди.

Аввало, форумнинг ташкилий жиҳатдан пухта ташкил этилганини алоҳида айтишим керак. Зотан, тўқсонга яқин одамни бир жойга йиғиб, ҳафта давомида турли даражадаги тренинглар ташкил этиш, бунинг устига, фурсат ғанимат уларнинг саломатлиги тўғрисида қайғуриш... Бу осон иш эмас.

Иккинчи таҳсинга лойиқ жиҳати – форумнинг «халқаро» деган мақомга ярашиқли ташкил этилгани. Унинг ишида маҳаллий журналистларимиз билан бирга олис Канададан таниқли журналист Исмат Хушев, «ВВС»дан Паҳлавон Содиқ, «Америка овози»дан Навбаҳор Имомоваларнинг иштироки, Олий Мажлис депутати, профессор Хуршид Дўстмуҳаммад, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги директори Абдусаид Кўчимовларнинг кенг мушоҳадали маърузалари, марказий нашрлар бош муҳаррирлари Норқобил Жалил, Абдурасул Жумақулов, Олимжон Ўсаровларнинг баъзида кескин, баъзида кескир фикрлари жам бўлган ҳамкасблар учун яхшигина маҳорат сабоқлари бўлди, дейиш мумкин.

Медиафорум мулоҳазалари:

БУ ГАЛ ҲАММАСИ ЎЗГАЧА БЎЛДИ

Дарҳақиқат, бугун журналистика ва умуман, ОАВ жиддий синовлардан ўтаётган давр. Матбуот эркинлашди, илгариги тўсиқлар йўлдан олинди. Бироқ кун тартибида бошқа бир масала пайдо бўлди: соҳанинг ўзи баъзи ўринларда мададга муҳтож бўлиб қолди. Буни қуйидаги иддаолардан холи саволлар ёрдамида ифодаласа бўлади. Хўш, ростан ҳам журналистиканинг эртанги куни қандай бўлади? Босма нашрлар яна қанча яшайди? Босма нашрларни сақлаб қолиш керакми? Уларнинг бу аҳволга келишига нималар сабаб бўлди?..

Саволларки, жавоби оғир, ечими мураккаб, ечимда бир қадар талаблар борки, ўзимизга боғлиқ эмас... Начора!

ГАЗЕТАЛАР КИМГА ХАЛАҚИТ БЕРМОҚДА?

Фарғонага борган кунимиз умумжамоанинг кайфияти хийла «тушкун»дек кўринди менга. Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди, албатта. «ВВС» мухбири, «ўзимизнинг» Паҳлавонбекнинг ўзбек матбуотидаги эркинлик, янги Президент сиёсатидаги фикр ва сўз эркинлигининг қанчалик мустаҳкамлиги борасида айтган ўта ноёб фикрларини тинглай туриб, дунё асли ўзи қанақа, деб ўйлаб қолдим.

Ахир биз «ВВС»нинг бизга қанчалик хайрихоҳлигини ҳар кунги у бераётган ахборот-у, мақолалардан эшитиб, ўқиб борамиз. Мен бу «озод фикр»ни озод фикр дейишга шошилмаган бўлар эдим. Майли, бу – алоҳида мавзу!

Энг муҳими, Паҳлавоннинг олис юртдан берган баҳоси иштирокчилар томонидан «трезво» қабул қилингани, яъни бирданига ҳамма бу гапларга қарсак чалиб, қўшилиб кетмаганидан хурсанд бўлдик. Ташкилотчилар Паҳлавоннинг модераторликка «кўндирилиши» осон кечмагани, бу жараён унинг тепасидаги мутасаддилари билан келишувларни тақозо этгани ва бир неча босқичли келишувларнинг натижасидагина у бу мулоқотда иштирок этиш ҳуқуқини олганини айтиб беришди. Айни шу жараённинг ўзи бу оммавий ахборот воситасининг нечоғли «эркин фикр»га муносиб эканини «кўрсатиб турибди». Агар ҳақиқатга тўғри кўз билан қараш керак бўладиган бўлса, ҳақиқат айнан мана шундай!

Шу боис ҳам жамиятимиз озод фикрга қанчалик тайёрлиги ва ҳозирги жараёнлар Европа ва ёки ғарбнинг талабларига тўғри келиш-келмаслиги борасидаги модератор мулоҳазалари тўла қўллаб-қувватлов билан қарши олинмади. Айнан мана шу нуқта бизда ҳам биров не деса қўл кўтариб, сафига қўшилиб кетаверадиган эргашувчанлик мақомимиз ўзгарганидан далолат. Бу, албатта, қувонарли. Иштирокчиларнинг бир қадар маҳзунлигининг яна бир боиси бир кун олдинги сессияда Шерзодхон Қудратхўжанинг газеталарнинг ўрнини гаджетлар эгаллаб бораётгани, мажбурий обуна қилинган газеталарнинг ўқилмаслиги ҳақидаги фикрлари бўлган кўринади.

Очиғи, Шерзодхон бир қадар ҳақ, у газеталарни мазмунли, ўқувчига ёқадиган қилиб чиқариш кераклиги, замон ёшлари ҳозир газета ўқиб эмас, компьютерда ўтириб ахборот олиш имконига эга экани учун газета ўқимаслиги, мухтасар айтганда, «замонга мослашиш» зарурати тўғрисида сўз юритган (Илгари ҳам бир одам шунақа гапиргани эсимизда.)

Форум иштирокчиларига бу фикрнинг оҳанги ёқмаган. Ўйлаб кўринг, сиз бир маҳсулот ишлаб чиқармоқдасиз, бу ўзингизга ёқяпти, иккинчидан, сиз бу касб билан умрингизни боғлаб қўйгансиз. Ва бундан мамнунсиз. Бу – масаланинг соф инсоний тарафи. Масаланинг бизни хафа қиладиган томони, газеталарнинг саёзлиги борасида фикр бугунги газетани варақлаб ҳам кўрмаётган, бунинг устига, ўзлари бир қоғоз мақолани қойил қилиб ёза олмайдиганлар томонидан тап тортмай айтилаётганида эди, назаримда. Тўғриси, гапираётган одам олд-ортига бундай бир қараса, фойдадан холи бўлмасди! Зотан, Шерзодхон Қудратхўжа тадбиркор ёки муҳандис эмас, айнан шу «ошхона»нинг одами. Қолаверса, у газеталарда ишлаши керак бўлган бўлажак журналистларни тарбияловчи масканнинг раҳбари-ку! «**Вот что обидно!**».

ЖОНГА ТЕККАН ОБУНА!

МОДЕРАТОРДАН ИҚТИБОС:

«Бу йилги ташкиллаштирилган обуна, кўча тили билан айтганда, «мажбурий обуна» бир қатор газеталарнинг имижига ҳам, ўқувчилари олдидаги обрўсига ҳам салбий таъсир қилди».

Газетачининг кўнглига тегадиган, дилини ўртайдиган аччиқ гап! Ўтган йили биз кўп ҳокимликларда обуна «ташкиллаштирилгани»дан хабар топдик. Мен бу борада баъзи маълумотларга эга бўлганим боис, ишонч билан айта оламанки, бу тарғибот, келинг, ана «мажбурий обуна» мавсумидан энг катта йўқотиш бош нашрларимиз гарданига тушди.

Ҳокимликлар илгариги, анъанавий ва синалган «услуб»да обуна ташкил қилишга киришишди. Оқибат ҳам илгаригидек бўлди, яъни «сводка»да бошқа рақам, амалда эса сира ҳам ҳавас қилиб бўлмайдиган адад сув юзига чиқди. Яъни, бош нашрларнинг номи сотилди, эвазига тушган пуллар эса қаерлардадир қолиб кетди. Бу жуда чигал муаммо. Кўпчилик яширмай айтадиган: «мажбурий обуна»нинг ортида илгаридан битта мақсад бўлган – бу бизнес, деган гапга баъзан одамнинг ишонгиси ҳам келади. Аслида эса, бу «кузги мавсум»лардан журналистика жуда кам фойда кўрган ва бу гал ҳам шундай бўлди, ҳисоб. Айнан шу боис ҳам газетангиз мажбурий обуна қилинади, деган жойи ҳаммамизга бирдек оғир ботадики, бу гапларни айтаётган одамлар гўё «муттаҳамлик билан кун кўраётирсизлар» дегандек ёқимсиз жаранглайди. Ҳақиқий аҳвол, қаламкашнинг туруш-турмуши эса, бундай иддаоларга мутлақо тескари. Биласизми, туманларнинг аксариятида ҳокимлар ўз нашрларининг обунаси билан мутлақо шуғулланмагани, бош муҳаррирлар 2,5 штат бирлиги билан газета чиқараётгани, тарқатаётгани, обуна ташкил қилаётгани ва ижод билан машғуллигини кўрдик. Балким, ўша газеталар жуда ўқишли эмасдир, сифат масаласи ҳам чатоқроқдир. Лекин бу журналистнинг айби эмаску! Қолаверса, бундай хато ва етишмовчилик, «қўли калталик»ни рўкач қилиб, «газетанинг умри тугади, ассалому алайкум, гаджетлар» дейишга кимда қандай маънавий асос бор?

Энди газеталарнинг эртаси ҳақида кўп башорат билдираётганларга яна бир илтимос қилсак, келинглар, охирги марта бирор мақолани қачон ўқиганингизни эслай олмасангиз, яхшиси, бундай донолик қилишдан тийилинг, минглаб заҳматкаш ҳамкасбларимиз меҳнатини ерга урманг, тупроққа қорманг!

Шахсан ўзим газеталарнинг умри оёқлашига сира ҳам ишонмайман. Нега? Чунки ижтимоий тармоқлардаги тобора бижғиётган саводсизлик қачондир жамият ҳафсаласини пир қилади. У ўзи учун нормал формат излашга барибир мажбур бўлади. Бу, шубҳасиз, газетадир! Ҳозир ҳам дунё нигоҳини ўзига қаратиб турган, жаҳон сиёсатига сезиларли таъсир ўтказаётган, миллионлаб ададда нашр этилаётган «Ёмиури симбун» (Япония), «New York Times» (АҚШ), «Жэньминь жибао» (Хитой), «Hürriyet» (Туркия), «Bild» (Германия) каби газеталарнинг фаолияти бу фикримни тўла қўллаб-қувватлайди, деб ўйлайман.

ҚАЛАМ ВА ҚАЛАМКАШ ҲАҚИДА СЎЗ АЙТИНГ...

Анжуманда шунчаки лалми гапларга деярли ўрин бўлмади, ҳисоб. Чунки даврадаги самимият, қолаверса, шароитнинг ўзи ютуқ-камчиликларни рўй-рост айтишни тақозо этди. Мулоҳазаларнинг аксарияти бугунги газеталаримизнинг мазмун-мундарижаси, шакл-шамойили, уларнинг электрон шаклларини бойитиш, сайт, телеграм, ютуб каналларини ишга тушириш каби бир қатор жиддий янгиланишлар борасида бўлди.

Устозларимиз – Абдусаид Кўчимов ва Хуршид Дўстмуҳаммаднинг айбни ташқаридан, бошқалардан ва ҳатто фалончи – писмадончилардан эмас, балки ўзимиздан излашимиз кераклиги борасидаги кескин фикрлари йиғилганларнинг ён дафтарларига муҳрланди. Мавзулар бўйича ажратилган бир соатлик вақт икки-уч соатларга чўзилди, лекин биров зерикмади, биров ранжимади. Очиқ, юзма-юз фикрлашилди. Тўғриси, сени юрагингга яқин одам тергаса, айбингни ёки камчилигингни асослаб, бўйнингга қўйиб айтса, қочарга жой тополмайин ҳам қоларкансан, киши...

Ана шу жойда бир ўзимизга ҳам баҳо берайлик. Бугун биз ўз ишимиз билан мақтана оладиган ҳолдамизми? Тўғрисини айтиш лозимки, баъзида яхши мақола анқонинг уруғидай гап... Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ўқувчи газеталарни варақлаб, кетган пулига, кўз нури сарфига рози бўляптими? Мана, Форумдаги бизни қийнаган масала нима бўлди.

МОДЕРАТОРДАН ИҚТИБОС:

«Бугун шундай бош муҳаррирлар борки, бошлари бир қозонда қайнамайди, кечирасиз, боши умуман «қайнамайдиган» бош муҳаррирларимиз ҳам йўқ эмас».

Бу оғир гапни айтаётган одам ўйламай гапираётир, деб ўйлайсизми? Йўқ, ўйлаганда қандоқ! Обдон ўйланиб, тобига етгач, айтилган писанда, аслида бу. Уч йилдан буён газеталарнинг обунасидан тортиб, уни тарқатиш тизимини ҳам биргаликда янгилаш, ҳамжиҳат бўлиб тизим яратиш устида неча бор фикрлашдик, аммо кўпгина муҳаррирларимиз масалага қарашда лоқайдлик чопонини мудом ечмай келаётирлар. Тизимдаги ишлар ҳамжиҳатликни, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишни тақозо этади. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор: агарким аксарият газеталар адади камайиб бораверар экан, кўп тиражли газеталарнинг таннархи ошгандан ошиб бораверади. Бу – икки карра икки тўрт дегандек гап. Буни тан олиш фурсати аллақачон етган.

Ҳусан ЭРМАТОВ,
«Дўстлик» ордени соҳиби

Шу маънода айтганда, бош муҳаррирларнинг боши бир қозонда қайнамоғи – кун талаби. Биз, ҳаттоки, мулоқотларда тарқатиш борасида вилоят ва ҳатто туман газеталари билан ҳам биргалашиб ишлашимиз зарур эканини эътироф этдик. Бу форумдаги яхши хулосалардан бири бўлди.

Форумда бир қатор газеталарнинг тақдимотларини ҳам кўрдик. Келинг, бу борада жиддий тўхталмайман, чунки пешонаси қаттиқ ҳамкасбларимнинг кўнгилларига озор бериш истагим йўқ. Биз газеталарнинг аҳволи, «афт-ангори»ни кўриб, муассисларнинг эътибори ҳақидаги саволларни беришга жазм эта олмадик ҳам. Шундай бўлса-да, баъзи маънавиятли, виждони уйғоқ ҳокимларнинг ўз нашрлари ададини 3000 нусхадан кўпайтириб қўйганларини кўрганда, беихтиёр уларга таҳсинлар айтдик.

Учрашувларда англаган яна бир нарсамиз шу бўлдики, вилоят ва туманларда нашр этилаётган кўп газеталарнинг номларини ўйлаб кўриш керак экан, биз ҳўўў отам замондаги ном қўйиш принципида юрганга ўхшаймиз. Битта муҳаррир, битта компьютерчи ва «яримта» мухбир чиқараётган, кўчама-кўча обуна қилиб, кўчама-кўча тарқатаётган газетага оҳанжама қилиб «Истиқбол тонги» деб (буни мисол учун айтяпман) ном қўйишдан мантиқ қидиришнинг ўзи бир мантиқсизлик. Газеталарнинг йўналиши, стратегияси аниқ-тиниқ белгиланмаган ҳолатлар кўп. У ижтимоий-сиёсийми, туман ҳокимлиги нашрими, тармоққа тегишлими, дабдурустдан англаш қийин. Айни нуқтаи назардан нашрларимиз ўз ўқувчилари аудиторияси билан ишлаш масаласида оқсамоқда десак, юмшоқ айтилган гап бўлади, назаримизда.

НАШРЛАР ТАННАРХИНИ ҚАНДАЙ АРЗОНЛАШТИРИШ МУМКИН?

МОДЕРАТОРДАН ИҚТИБОС:

«Нашрларимиз бир ёқадан бош чиқарса, газеталарнинг таннархини арзонлаштириш мумкин».

Таҳлил

Мавзу тарқатиш масаласида! Бунинг учун, масалан, Ёзёвон, Бувайдада чиқадиган нашрлар ҳам Тошкентдаги бир бош бўлувчи тарқатиш тизимига қўшилиши лозим. Дейилмоқчики, нашрларни тарқатиш тизими янгиланиши лозим ва шарт. Биз республика почтаси ёки матбуот тарқатиш ҳамда турли МЧЖлар хизматига ишона олмайдиган даражага етиб келдик. Шу пайтгача бизнес бўлиб келган бу соҳага энди яхши менежмент лойиҳаси керак бўляпти.

Бу борада «Ҳуррият» газетаси бош муҳаррири билдирган фикрлар кўпчиликни сергак торттирди. Агар халқ таълими тизимидаги раҳбарлар ростдан ҳам ўқувчиларни маърифатли қилиб тарбиялашга киришганида, вазият бутунлай бошқача бўлган бўлар эди. Чунки Абдурасул Жумақуловнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистондаги ҳар бир синф битта журналга обуна бўлса, бу журналнинг йиллик обунаси 20-25 минг сўм атрофидаги суммага айланар экан, майли, муҳаррир ҳисоб-китобда икки баробар адашган бўлсин ҳам дейлик ёки беш баробар хато қилган бўлсин ҳам, шунда бир журнал обунаси 100 минг сўмга айланади, бу эса 30 кишилик синфга 3 минг 333 сўмданга тушади. Хўш, энди айтинг, мактабни маърифат маскани қилишга астойдил бел боғлайдиган валломатлар, икки гапининг бирида ватанпарвар авлод, интеллектуал ёшлар, аждодларга муносиб маънавий етук фарзандлар тарбияси ҳақида такрорлайдиган сўзамол воизларимиз қани?

ХУРШИД АКА САБОҚЛАРИ

Хуршид аканинг сабоқлари барчамизни уйқудан уйғотди. Биз ўзимизни чоғлаб юрган қир-у баландликлардан ерга эниб, йўқ, аниқроғи, қандай тушиб қолганимизни пайқамай ҳам қолдиг-ов...

Ҳозир ўқийдиган нашрларимиз талайгина. Агар ростдан ҳам қунт қилиб, ҳафталик газеталарни варақлаб кўрсангиз, дунёнинг муаммосини елкалаб олганлариниям топасиз. Аммо бундай мавзудаги мақолалар бир берилади, тамом. Кейин танаффус. Бир таҳририят кўтарган масала ўша газетанинг адади-ча жойга етиб боради, мутасаддиларгача эса анча йўл бор ҳали. Айниқса, оғриқли мавзуларни бир таҳририят олиб чиқса, иккинчиси уни тўлдирса, учинчиси бошқа томондан қараб таҳлил қилса, бешинчиси унинг зарари, оқибатини кўтариб шов-шув қилса бўладими? Бўлади! Нега шундай ҳамжиҳат эмасмиз?

Ҳамжиҳатлик кўр-кўрона қўллаш маъносида эмас, жамиятдаги муаммоларни бартараф этишга эришиш маъносида етишмаяпти. Мени бир нарса кўп хафа қилади, эътибор бериб юраман, кўпинча ижтимоий тармоқларда кўтарилаётган шов-шувли чиқишлар муаммо, одамларнинг дарди, долзарб мавзулар қолиб, кўпроқ шахсларга, айнан фалон вилоят ҳокимига, фалон вазирга, фалон амалдорга қаратилган бўлади. Мен у амалдорларнинг бирон-тасини ёқлаш фикридан йироқман. Лекин бизни шахс эмас, муаммо, ўша ҳоким йўл қўйган хато ва камчиликлар, уларнинг оқибатлари қизиқтириши лозим. Журналистларда ҳартугул бир шахсга ёпишиб олиш тенденцияси мавжуд эмас. Бу қувонарли ҳол. Бироқ, бир мавзу атрофида ҳам ўша ҳамфикрлик йўқ-да!

Бир ҳафта давом этган мулоқотлар бир мақолага сиғмас, дейман. Балким, бу Форумда билдирилган фикрлар тўплам ҳолида чиқарилса ҳам фойдадан холи бўлмасди.
Фарғонада анжуманнинг якуний сессиясига хотима ясар экан, бош ташкилотчи Муҳаммаджон Обидов бироз ҳаяжонга берилди. Бу тўққизинчи бор ўтказилган Форумнинг ортидаги катта меҳнат, ундан кутилган самара ва унинг кўпчилик учун ғоятда фойдали бўлгани, яъни мақсадга эришилгани билан ва қолаверса, бугунги таҳликали бир даврда қадрдонларнинг бошини қовуштириб, бебаҳо дийдорлашувни тақдим эта олганидан қувониш кўз ёшлари бўлди, чамаси-да...
Яхши қол, Фарғона, юрт ишқида ёнаётган фидойиларинг ҳамиша омон бўлишсин! Ҳамкасбимиз ва ҳамкасбларимизнинг қадрдони Обидовга эса айтадиганимиз – Ўзингизни асранг, ака, бизга ҳали кўп кераксиз!

Эътибор

Хотин-қизларга ҳар томонлама кўмаклашилмоқда

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар кенгаши томонидан ишловчи хотин-қизларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида соғлом маънавий муҳитни тарғиб этиш, муносиб меҳнат шароитлари яратилгани устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Мавжуда ХАЛИЛОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар кенгаши раиси

Хусусан, жамоа шартномаларига ишловчи хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга оид таклифлар берилди. Хотин-қизлар комиссиялари томонидан нодавлат секторидаги корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар учун иш жойларида санитария-гигиена ҳолатларининг таъминлангани, жамоа шартномалари орқали уларга белгиланган имтиёзларнинг бажарилиши аҳволи ўрганиб борилди. Ўрганиш натижаларига кўра иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасига таклифлар берилиб, ижроси назоратга олинди.

Ўтган йили Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 12 минг 438 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатилди. 69 минг 106 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатлари қисман қопланди. 3 минг 369 та нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 5 минг 396 нафар ёш болали аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгилаш жорий этилди. Бу мақсадлар учун касаба уюшмалари ва иш берувчилар маблағлари ҳисобидан 20 млрд. 629,1 млн. сўм йўналтирилди.

Шу билан бирга, кам таъминланган, кўп болали, олис ва чекка ҳудудларда яшовчи оилаларнинг 251 нафар аёллари, фарзанд кўрмаган ёш оилаларнинг 152 нафар ишлайдиган аъзолари бепул соғломлаштирилди. 5 минг 468 нафардан ортиқ эҳтиёжманд оила аёлларининг республикамизнинг тарихий шаҳарларига ҳамда ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор жойларга бепул саёҳати ташкил этилди.

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг аҳволини мунтазам ўрганиб бориш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш, даромадларини кўпайтириш, бандлигига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси масъуллигида Республика ишчи гуруҳи фаолияти йўлга қўйилди. Касаба уюшмалари Федерациясига ажратилган маблағлар ҳисобидан республика бўйича 16 минг 354 нафар хотин-қизга 84 млрд. 792 млн. сўмлик амалий ёрдам кўрсатилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан «Аёллар дафтари» шакллантирилиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов раҳбарлигидаги аёллар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан ўтган вақт давомида жами 205 та туман ва шаҳарларда хонадонма-хонадон юриб, 30 ёшдан юқори бўлган 6 млн. 744 минг 380 нафар хотин-қиздан 6 млн. 380 минг 147 нафари билан суҳбатлар ўтказилди, тегишли сўровномалар тўлдирилди. «Йўл хариталари» тасдиқланиб, ижроси таъминлаб келинмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши ташкил этиш таклифи билдирилган эди. Сенат раиси Т.Нарбаева бошчилигида тузилган мазкур жамоатчилик кенгаши хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, билим ва касбий кўникмалар эгаллаб, муносиб иш топишларига кўмаклашиш, саломатлигини сақлаш, уй-жой масалаларини ҳал этиш борасида тизимли ишлар олиб борди.

Мурожаатномада олий таълим муассасалари сифати ва қамрови, давлат грантлари 25 фоизга оширилиб, эҳтиёжманд оилаларнинг қизлари учун ОТМларда грантлар сони икки бараварга кўпайтирилиши ва 2 мингтага етказилиши, аъло баҳога ўқиётган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг қизлари учун стипендиялар ташкил этилиши белгиланди.

Жорий йилнинг 22 февраль куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида «Биз гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттирамиз. Жорий йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказишни режалаштирмоқдамиз», деб таъкидлади.

26 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида «Аёллар» дафтарига киритилган 70 мингга яқин хотин-қизларни бизнес ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш вазифаси топширилди.

Президентимиз илгари сурган ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг бешинчиси – хотин-қизларни бизнес ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш вазифаси топширилди.

Ҳар йили 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами муносабати билан касаба уюшма ташкилотларида «Аёл борки, олам мунаввар» номли тадбирлар ташкил этилиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида, таълим, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш тизимида самарали фаолият юритаётган, фермер ва тадбиркорлик, касаначилик ва уй меҳнати билан фаровонлигимизга муносиб ҳисса қўшаётган илғор ва фаол хотин-қизлар шарафланади.

Фурсатдан фойдаланиб, азиз ва мўътабар аёлларимизни яқинлашиб келаётган 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан чин юракдан муборакбод этаман. Уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, омад тилаймиз. Орзу қилган барча ютуқларга эришиш насиб этсин.

Сирдарё вилояти

Янгича ёндашув шарофати

Маҳаллани одамларнинг дард-у ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яқиндан биладиган тузилмага айлантириш борасида жиддий қадамлар ташланди. Хусусан, Сирдарё вилоятидаги мавжуд 225 та маҳалла фуқаролар йиғини ўз идораларига эга бўлди. Бундан буёғига асосий вазифа яратилган шаклга янгича мазмун киритишдан иборат.

Ҳаётбахш ҳаракатлар самараси

Сирдарё туманидаги «Истиқбол» маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Муҳими эса бино ёнида «Маҳалла гузари» қурилиб, дорихона, сартарошхона, тикувчилик, озиқ-овқат дўконлари ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни бошлади. Дарвоқе, «Маҳалла гузари» 12 нафар тадбиркорга банклар томонидан 33 миллион сўмдан кредит ажратилиши орқали бунёд этилган.

Ирода Тинчликова 20 ёшда. Ҳунар ўрганиш мақсадида вилоят марказига қатнаб, икки ярим ой муддатда бинойидек сартарош бўлиб олди. Уй шароитида аёлларга соч кесиш, турмаклаш хизматини кўрсатиб келаётган Иродага ўз тадбиркорлик ишини бошлашига кўмаклашилди. Ажратилган кредит эвазига замонавий иш қуроллари ҳарид қилинди. Зарур техника жиҳозлари ўрнатилиб, қишин-ёзин кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш имконияти яратилди.

Гузарнинг тикувчилик марказида маҳалланинг ҳунарманд хотин-қизлари иш бошлади.

– Шу кунгача ҳеч қаерда ишламаганман. Уйда тикиш ишларини қилардим, – дейди Малика Хатамова. – Алоҳида хона ажратилмагани, уй шароити бўлгани учун буюртма кам олар эдим. Мана энди қулай, ёруғ, яхши шароитда ишлаш, либослар дизайни ҳақида бош қотириш имконига эга бўлдим.

Қаршигул Эгамова маҳаллада қарийб 11 сотихли хонадоннинг соҳибаси эди. Ёлғиз қўллиги сабаб икки қизининг тўйларини ўтказгунча ҳовлининг ярмини сотиб бўлди. Кексайганида таъмир кўрмаган уйда яшади. Барака топсин, маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракати билан уйнинг том, пол қисми янгиланди, ранг берилди. Ошхона билан бирга уй бурчидаги товуқхонага ҳам файз кирди. Ҳовлининг икки сотих қисмида ишсиз бўлган қизи Зулфияга субсидия асосида иссиқхона қуриб берилди. Текис чизиқдай тортилган жўякларга булғор қалампир кўчатлари ўтқазилган манзарани кўриб, онахон билан бирга севинганлар кўп бўлди.

– Бизнинг оила камбағалликдан чиқди, – дейди Қаршигул ая. – Маҳалламизда томорқадан катта даромад топаётганлар бор. Уларнинг тажрибасини сўраб-суриштириб ўрганишни ният қилдим. Ажаб эмаски, омадимиз келиб, шу соҳада даромад топиб, келажакда набираларимга тўйлар қилсам.

Шунингдек, 6 нафар аёлнинг хонадонлари таъмирдан чиқарилди. «Маҳалла гузари»да томорқа хизмати ҳам янгидан йўлга қўйилди. «Ҳар бир ёшга бир гектар» лойиҳаси доирасида 40 нафар ёшга маҳалла ҳудудидан 0,50 гектардан қишлоқ хўжалиги экинлари экиш учун ер майдони ажратилиб, уларнинг бандлиги таъминланган бўлса, 12 нафар ёшга тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиши учун 0,02 гектардан ер майдонлари ажратилди. Хайрли ишлардан яна бири маҳалла ҳудудидаги бўш турган 19 та бино таъмирланиб, босқичма-босқич тадбиркорлик субъектларига берилаётганидир. Келгусида бу биноларда асосан аёллар бандлигини таъминлаш кўзда тутилган ва пировардида 700 та иш ўрни яратилади.

Фойдаланилмаётган бўш биноларни тадбиркорлик субъектларига бериш натижасида аҳолига зарур шароитлар яратилиши билан кўплаб иш ўринлари очилди. Хусусан, собиқ биолаборатория биноси негизида кўп тармоқли тиббиёт клиникаси ташкил этилди. Эндиликда фуқароларга маҳалланинг ўзида малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконияти юзага келди. Шунингдек, ҳудудда қўшимча 2 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил этилиб, мактаб ёшигача бўлган болаларнинг билим олиши учун муносиб шароит яратилди. Натижада маҳалланинг 10 нафар аёли ишли бўлди.

Аввалари маҳалла фуқаролари йиғини идораси сифатида фойдаланиб келинган эски бино негизида тикувчилик цехи иш бошлади.

– Цехимизда асосан болалар кийимлари тайёрланиб, ички бозорларга йўналтирилмоқда. Ҳозирда цехда 20 нафар хотин-қиз иш билан банд. Бу ҳали бошланиши. Келгусида иш ўринлари сонини 100 нафарга етказиш ниятимиз бор, – деди «Шох барака омад текстил» МЧЖ тикувчилик цехи раҳбари Суюнбек Мўминов.

Шу ернинг ўзида қўшимча тарзда асаларичилик соҳаси бўйича ўқув-амалий курслари ташкил қилинган бўлиб, ўқув курсларида асаларичилик соҳаси бўйича семинар, мастер-класслар мунтазам олиб борилади.

Маҳалладаги ободлик ва ўзгаришлар истиқоматда бўлган инсонлар ҳаётида ҳам ижобий янгиликларга туртки бермоқда. Равон йўл ва йўлакларни тоза тутмоқлик учун ёшлар эрта туриб супуришса, ёши улуғлар биргаликда саломатлик учун 5 минг қадамни босишни одат қилишган.

Бизнинг таърифимиз шундай: маҳалла аҳлининг сўз-у суҳбатлари кўнгил поклиги, фидойиликдан сўзлаётир. Зеро, барча ҳаракат ва ниятларнинг замирида шу тилак мужассам.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда

МУАММОЛАР ҚАНДАЙ КАМАЙМОҚДА?

Чироқчи тумани «Чироқчи» маҳалласида яшовчи Муқаддас Раҳимова турмуш ўртоғи билан ажрашган. Уч нафар фарзанди бор. Болалари мактабда ўқийди.

– Кўчага чиққанда эркак, уйга келганда аёл бўлишга мажбурман, – дейди у. – Нимасини яшираман, менга осон бўлаётгани йўқ. Шундай кунлар бўлдики, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сулув опа Бердиқулова «болаларингга едир» деб, уйидан нонлар олиб чиқиб берди.

Айнан опанинг тавсифномаси билан «Халқ қабулхонаси»нинг туман бўлимига фаррош бўлиб ишга жойлашдим. Қўшимча бўлсин деб, банкдан етти ярим миллион сўм кредит олиб, тикиш машинаси харид қилдим, ўзимнинг мўъжазгина тикув цехимни ишга туширдим.

Эрталаб 2-3 соат қабулхонани супуриб-сидириб, кейин Чироқчи деҳқон бозори ҳудудидаги тикув хонамга югураман.

Бу ерда мижозлардан тушган буюртмаларни эплаштириш билан бирга 10-15 нафар қизга тикиш-бичиш сирларини ўргатаман.

Январь ойида янги қурилган тўрт қаватли уйга кўчиб ўтдик. Президентимизга минг раҳмат, биздай ғарибларнинг бошини силаяпти. Уйнинг бошланғич тўлови учун 20 миллион сўмни ҳам давлат тўлаб берди. Қолган қисмини ойига 1 миллион 100 минг сўмдан ўзим тўлай бошладим.

«Халқ қабулхонаси»дан 530 минг сўм маош оламан. Болаларимнинг емоқ-ичмоғи бор, кийим-кечаги бор. Бу ёқда уй тўлови. Шунинг учун ўриндошлик асосида шифохонага ҳам орастабону бўлиб ишга кирсамми, деб ўйлаб турибман.

Болалардан умидим катта. Ўғлим Шаҳриёр 6-синфда ўқийди. Тушдан кейин «Ёш Темурбеклар» мактабига машғулотларга қатнайди. Маҳалла ва туман ҳокимлиги берган маълумотномага кўра, ўғлим «Ёш Темурбеклар» мактабидаги тўловлардан озод қилинди.

Шаҳриёрнинг ўқишлари яхши. У бизга шунчалик ёрдам кўрсатаётган она диёрига муносиб ўғлон – Ватан ҳимоячиси бўлишни мақсад қилган, – деди онаизор тўлқинланиб орзу-умидларини баён қилар экан ..

– Маҳалламизда 530 та хонадон бўлиб, уларда 895 та оила яшайди, – деди биз билан суҳбатда «Чироқчи» МФЙ раиси Сулув Бердиқулова. – Хатлов чоғида 31 ёшдан юқори бўлган 660 нафар аёл анкета сўровномани тўлдирди. Ҳозирги кунда уйма-уй юриб, ишсиз аёлларимизнинг бандлиги бўйича тарғибот-ташвиқот олиб боряпмиз.

«Куни бўйи уйда ўтириб нима қиласан? Бир эрингнинг топгани нима бўлади? Ишласанг, хонадонингга барака киради-ку», деб хотин-қизларда рағбат уйғотишга ҳаракат қиляпмиз. Давлат томонидан жорий этилган имтиёзли кредитлар ва бу маблағдан қандай қилиб самарали фойдаланиш мумкинлиги ҳақида тушунчалар бераяпмиз.

Натижаси ёмон бўлмаяпти. Масалан, Ҳафиза Жумағулова ва Раъно Жўраевани олайлик. Иккисининг ҳам икки нафардан фарзанди бор. Улар бандликка кўмаклашиш марказига ишга жойлашди.

Қўли гул, чевар маҳалладошларимиз – Мафтуна Раҳматова ҳамда Маъмура Мажидовага имтиёзли кредит олиш учун тавсиянома ёзиб бердик. Маҳалла гузаридан битта хона ҳам ажратдик. Улар тикув машиналари олиб, бичиш-тикишни йўлга қўйишмоқчи. Маҳалла гузари қошида эса сартарошхона, гўзаллик салони, тикув цехи ва пазандачилик хоналари ишга туширилиб, ўнга яқин янги иш ўрни яратилди.

Яна тадбиркорларимиз томонидан олтита ҳар хил хизматларга мўлжалланган хоналарни бунёд этиш ишлари давом этаётир.

Тўрт нафар фарзанди бор Тожихол Маҳманова чорвачилик билан оиласидагилар бандлигини таъминлаш ҳаракатида. Насиба Юсупованинг турмуш ўртоғи вафот этган. Уч нафар фарзандни боқиш унга осон бўлаётгани йўқ. Қариндошлари асаларичилик билан шуғуллангани учун бу аёл ҳам 30 миллион сўм кредит олиб, уларнинг изидан бормоқчи.

Марям Эшимова эса бройлер товуқлари боқишни мўлжаллаяпти. Дилбар Ибрагимова 10 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, новвойчиликни бошласа, Шарофат Абдуллаева 30 миллион сўм маблағни савдо-сотиққа йўналтирмоқчи.

Маҳаллада ишсиз аёллар ва ёшлар билан учрашувлар ўтказиш анъанага айланди. Мулоқотлар асноси аниқ – аниқ тадбирлар белгиланяпти, таклифлар қайд этилаётир.

«Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл» дейишади кексалар.

Шу боис чет элларга ишга кетмоқчи бўлган ёшларни ўзимиздаги мавжуд иш ўринлари билан яқиндан таништиряпмиз. Масалан, Аброр Нуримов цех очиб, дарвоза, эшик-дераза, ҳар хил панжаралар ясашни йўлга қўйганди. Тавсиямизга кўра, беш нафар йигитни ҳам қанотига олди.

Бундан ташқари, кўплаб ёшлар Абдурашид Қўзиев, Наврўз Маҳматқулов бошлиқ бунёдкор ташкилотларларнинг қурилиш ишларида қатнашмоқда. Хуллас, чет элга кетувчилар сони камайди.

Аммо, минг афсуски, ҳеч бир иш ёқмайдиган, «берсанг ейман, урсанг ўламан» деб ўтирадиган ишёқмас одамлар ҳам йўқ эмас. Ундайларга нима ишни таклиф қилсангиз ҳам ёқмайди, ёки «маоши кам» деб оёқ тираб олади.

Сулув опа ёниб-ёниб сўзлади. «Илгари асосан идорада ўтириб, фуқароларни қабул қилардик. Энди эса талаб бошқа. Аёллар ва ёшлар дафтари юргизила бошлагандан буён эл дардини янада теранроқ англай бошладик. Эртадан-кечгача аҳоли орасидамиз. Бирор фуқарога имтиёзли кредит олиш учун тавсиянома беришга тўғри келса, «у бу кредитдан унумли фойдаланадими, эртага бири икки бўлиб, олган маблағини банкка қайтара оладими, ҳаммасини обдон ўрганиб, чиғириқдан ўтказяпмиз», – дейди раис опа вазиятга баҳо бериб.

Хуллас, уйда ўтирган ишсиз хотин-қизлар оз эмас. Ёки иш излаб юрган ёшларимиз камми? Гап уларнинг бандлигини таъминлаш, турмуш тарзининг яхшиланиши ҳақида борар экан, бу ислоҳотни аввало, халққа етказа билиш даркор. Кўриняптики, «Чироқчи» маҳалласидаги дафтарларга қайд этилаётган муаммолар кун сайин кўпаяверади ҳам, камаяверади ҳам.

Яъни, аҳоли билан мулоқот чоғида Сулув опа Бердиқулова кўпнинг дардини ён дафтарига ёзиб олади. Бу – кўпайгани.

Ва ўзи ҳамкор ташкилотлар билан бу муаммолар ечимини топишга астойдил ва қўлидан келганича кўмаклашади ҳам. Бу эса – камайгани...

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Сиз борсизки, олам мунаввар...

Зулфия МЎМИНОВА

Гўзалсиз

Мен сизни гул десам, гулдан гўзалсиз,
Мен сизни дур десам, дурдан гўзалсиз.
Муболаға нима, минг сифат нечун?
Сиз чиндан гўзалсиз, чиндан гўзалсиз.

Жилмайиб ўтсангиз баҳор эргашур,
Жайронлар жавдираб ҳушёр эргашур,
Жаннат қушчалари зор-зор эргашур,
Ё Фарҳод, ё Тоҳир ошкор эргашур.

Мен сизни сир десам, сирдан гўзалсиз,
Мен сизни шеър десам, шеърдан гўзалсиз.
Мингта қўшиқ нима, минг қиёс нечун?
Сиз чиндан гўзалсиз, чиндан гўзалсиз.

Ишқу васлингиз деб Қайслар саҳрода,
Кимлар олов ичра, кимлар дарёда.
Муҳаббат мулкида султон сануқсиз
Бу ёлғон дунёда, бу чин дунёда.

Мен сизни нур десам, нурдан гўзалсиз,
Минг пари, паризод, ҳурдан гўзалсиз.
Гўзаллар тан бермас гўзалга аммо,
Сиз чиндан гўзалсиз, чиндан гўзалсиз.

Сайёра ТЎЙЧИЕВА

Соғиниб келдим

Баҳор булутларни йиғди бу кеча,
Яшин чақмоқларни туғди бу кеча,
Дилга на шеър, на куй сиғди бу кеча,
Энг ширин сўзингни соғиниб келдим,
Мен сенинг ўзингни соғиниб келдим.

Бўйингга фидолар бўлайин дейман,
Кўйингда адолар бўлайин дейман,
Кўчангда гадолар бўлайин дейман,
Энг ширин сўзингни соғиниб келдим
Мен сенинг ўзингни соғиниб келдим.

Оёғинг гардида гулласа жаннат,
Шу жаннатга сиғмай қолсам мен фақат,
Топганим шеър бўлса алал-оқибат,
Энг ширин сўзингни соғиниб келдим,
Мен сенинг ўзингни соғиниб келдим.

Фарахбахш, покиза куйдир муҳаббат,
Энг азиз ва дилбар ўйдир муҳаббат,
Мени шаробингга тўйдир, муҳаббат,
Энг ширин сўзингни соғиниб келдим,
Мен сенинг ўзингни соғиниб келдим.

Малоҳат МИРЗАЕВА

Изтироб

Мен кимман аслида, висол гадоси,
Кўнгил қўлин чўзган бир илинж билан.
Қовжираган япроқ – юрак нидоси,
Айрилиқ йўлимда судралган илон.

Шамол чарчамайди ҳисларим сочиб,
Сўнгги умидим ҳам чўккалаб олар,
Бардош-чи, довулнинг зулмидан қочиб,
Эшик тутқичига осилиб қолар.

Товоним қизийди қайноқ тупроқдан,
Танимга қон билан киради олов.
Юзларим ловиллаб кетар қийноқдан,
Ҳижрон оташида куяман лов-лов.

Кўнгил қўли чўзиқ гадоман беҳол,
Куйган кўзларида хазон суратли,
Юракка куз солган нақш ҳам увол,
Гадоман ичиккан армон сийратли.

Мен кимман аслида...висол гадоси..

Саодат ҲАКИМОВА

Армон

Этагимни ўпган майсалар,
Ҳурларнинг исини қучиб ётади.
Алвон чойшабини силкиб капалак,
Тошларни уйғотади
Мени армон ҳоритди, ота.

Ғамбода дарахтлар ложувард кеча
Ойнинг нурларига сочини чаяр.
Гулларнинг лабида уйғонган дунё,
Сокин куйлар ичра чайқалар.
Мени соғинч қаритди, ота.

Қай вақт сағир кунлар қариб-қартаяр,
Нигоҳимда йилларнинг чанги.
Армоннинг гунг кўнгли ситилиб кетар,
Хавотирнинг кўнгли тинчийди.

Сиз кетган йўлларда юпанч тополмай,
Хавотирнинг кўнгли тинчийди.

Гўзал РЎЗИЕВА

Умр фасллари

Юрагингда музлар бор эди,
Чўғлар тутган қўлим совқотди.
Қалбингга илиқлик берай дедим-у,
Умримнинг ёзини йўқотдим.

Юрагингда музлар бор эди,
Айтолмадим ҳеч ҳаддим сиғиб.
Ёнишларим, о, бекор эди,
Кўклам кетди, гулларин йиғиб...

Юрагингда музлар бор эди,
Нима қилай, аритолмадим!..
Қай биримиз гуноҳкор эдик,
Куз қуёши эритолмади.

Буёғи қиш. Қўрқаман энди...
Фақат, сўзим малолга олма.
Қандай бўлсанг-бўлгин, илтимос,
«Қородам»га айланиб қолма!..

Шаҳло АҲРОРОВА

Бир куни

Бир куни мен ишқни дилдан юлсам-у,
Шундай пойингизда пичоқлаб кетсам.
Қаршингизда туриб мағрур кулсам-у,
Дардимни жимгина қучоқлаб кетсам...

Хайрлашсам, дардни, аламни ўпиб,
Ёнган лаҳзаларим қуёшга тутсам.
Ҳижроннинг поёнсиз бағрига чўкиб
Қаршингизда туриб, жимгина кетсам...

Бир куни юракни киприкка илиб,
Кўзларим жомига шароб қуйсам мен,
Сизни деб уйғонган тонгларни тилиб,
Висолнинг отини сароб қўйсам мен.

Орзуларни оссам, бардошни сўйсам,
Кунларни алдасам, алдасам тунни,
Бир куни мен сизни соғинмай қўйсам,
Соғиниб қоласиз соғинчларимни...

Наргиза ОДИНАЕВА

Меҳр

Учқунлаб туташган ўт борасида
Юрагим бир тандир қизиганга тенг.
Онам қўли билан уй орасида
Оёқяланг чопиб, нон ташийман мен.

«Бошимдан қийқириб турналар ўтар»,
Пешонам ярқираб, йўлдай ошланди.
Аммо, аммоларни буткул унутар,
Умрнинг соғинчи қачон бошланди?

Туташган ўтларни ўйин кўрибман,
Она, сув урасан тандир, нонингга.
Ёнгинангда мен ҳам ёниб турибман,
Меҳринг сепилгайдир менинг жонимга.

Хосият РУСТАМОВА

Бахт

Қийналса ҳам асло чўкмас тиз,
Эртаю кеч турар типпа-тик.
Йўлакларда қолдириб из-пиз,
Бирорта қуш қоқмайди эшик.

Кўкрагини ўтмайди кериб,
Шамолларнинг йўқ каби вақти.
Яхшиямки, баҳорга келиб –
Дарахтларнинг очилар бахти.

Зебо МИРЗО

Исминг

Исминг – юрагимга урилган ханжар,
Суғуриб олсалар ўламан.
Мен сени шу қадар муҳаббат
ва азоб билан...
жим севаман!
Севаман...
Ўлимни севгандай
Ҳар лаҳза руҳимни пичоқлаб,
Мен мангу яшайман,
гўрда ҳам
Дилимда исмингни
қучоқлаб!..

Гуландом ТОҒАЕВА

Дўст

Шиддат-ла куртаклар бир ўрик,
Мисли ўқ-яралар кўксингни.
Ахир кечагина йўқотдинг,
Баҳорга муносиб дўстингни.

Куртаклар санчилар оловдек,
Ғурурни қамчилар хотира.
Ниш урган ҳар ширин нигоҳдан
Ювилар ҳар қанча кудурат.

Оч тусли, қизғишу, ним сарғиш, –
Ҳидлайман ҳикматлар гулшанин.
Жасорат қилмоққа чўзилган
Қутлайман шу митти қўлчани, –
Ғунчани!..

Уйғоқ фикр

ЖАМИЯТ РУҲИ ЭҲТИЁЖЛАРИ

ёхуд бизни маънавият оламидан узоқлаштираётган омиллар

Сўнгги йилларда дунёда жадаллик билан кечаётган глобаллашув жараёнлари жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Фан-техника тараққиёти, янги технологиялар, одамларнинг нафақат турмуш тарзини, балки дунёқараши, онгу-шуурини ҳам ўзгартириб юборди. Илгари хаёлимизга ҳам келмаган, тасаввуримизга ҳам сиғмаган кўп нарсалар айни пайтда оддий воқеликка дўнгани бор гап.

Эътибор қилинг, бундан атиги 15 йил бурун қишлоқларни телефонлаштириш энг долзарб муаммолардан бири эди. Ҳозир-чи, бугунга келиб аҳолининг аксарият қисми уяли алоқага эга, дунёнинг исталган нуқтаси билан гаплашиш, маълумот алмашиш имконияти пайдо бўлди. Интернет тармоғи ахборот маконидаги масофа ва вақт тушунчасини деярли йўққа чиқарди, ахборот-коммуникацияга алоқадор атамалар кунлик истеъмолда энг кўп ишлатиладиган сўзларга айланди...

Мустабидлик даврида диний эркинлик гарчи Конституция билан кафолатланган фуқаролик ҳуқуқи бўлса-да, кишиларимиз учун ўз имон-эътиқодларини намоён этиш имконияти мавжуд эмас эди. У даврда фақат туманлар марказларидагина жомеъ масжидлари фаолият юритар, улар ҳам қатъий назорат остида бўларди. Кўпчилик ҳолларда масжидларнинг тақдири келувчиларнинг миқдорига боғлиқ бўлар, агар номозга чиқувчилар, тақводорлар сони орта бошласа, уни турли сабабларни рўкач қилиб тезда ёпишарди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» деб яқин тарихимиздан ўрин олган бир даврда бизнинг туманимизда ҳам масжид ёпилиб, унинг биносида марказий кутубхона жойлаштирилган эди. Сабаб аниқ: одамлар коммунистик мафкура йўлидан чалғиб, диний ва миллий қадриятлар томон бурилмасликлари керак!

Мустақилликдан кейин деярли барча йирик қишлоқ ва маҳаллада жомеъ масжидлари очилди. Бугунги кунда юртимизда уч мингга яқин масжид фаолият юритаётгани айтилади, ва бу ҳеч кимни ҳайратлантирмайди.

Албатта, замон ва тизимнинг ўзгариши туриш-турмушимиз ва иш тутумларимизга ҳам ислоҳ киритди. Хусусан, янгича иқтисодий муносабатлар жорий қилиниши, тадбиркорлик ривожланиши нафақат мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлади, балки халқимиз турмуш фаровонлигини оширди. Юртимиз, қишлоқ ва маҳаллаларимиз жамоли ўзгарди. Бу йўналишда ҳам умумжамият тафаккурида, ижтимоий ҳаётда қоида ёки ўнғарилмас бир тасаввур сингари қотиб қолган тушунчалар ўз-ўзидан «нураб» тушди. Масалан, ўша даврларда аҳолининг энг юксак истаги бўлган «машина орзуси» бугунга келиб шунчаки оддий бир гурунгга айланиб қолганини ҳаммамиз тан оламиз.

Бироқ мени қалам тебратишга ундаган сабаб бу эмас. Гап шундаки, биз бугун техник тараққиёт, ахборот асри, глобал дунё, деб кўп гапириладиган замон ва маконда миллий ўзликдан, аждодларимиз сайқал бериб келган маънавий дунёдан хийла узоқлаётгандекмиз. Бу эса қалбида миллатга ва шу улуғ Ватанга муҳаббати бор ҳар бир одамни сергак торттириши турган гап.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 19 январь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг йиғилишида «Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, уни жони ва руҳи маънавиятдир», деган сўзларини барчамиз огоҳлик қўнғироғи ўрнида қабул қилсак, тўғри бўлади, назаримда. Зотан, турмуш ўзгариши, имкониятлар ва шароитлар яхшиланган, инсон омилига эътиборнинг ошгани билан жамиятда одамийлик даражаси сусайиб, лоқайдлик ва бепарволик кучайиб, шахсий ва ўзаро манфаатга асосланган муносабатлар авж олаётганлиги, ёшларимизнинг феъл-атворида ҳаётга, меҳнатга, оила ва турмушга енгил қараш, истеъмолчилик ва боқимандалик каби иллатлар кўзга тобора бўртиб ташланаётгани пародоксал бир ҳолатдир.

Хўш, бу қандай содир бўлди? Бунинг сабабини глобаллашаётган дунё, ахборот технологиялари ва виртуал «қадриятлар» замиридан излаган дурустми ёки бошқа омиллар ҳам борми? Менинг назаримда, жамиятдаги бу «турланиш»га фақат юқоридаги омилларнигина сабабкор қилиш унчалик тўғри эмас. Яъниким, фарзандларимиз тарбиясидаги бугун бизга ёқмаётган, эриш туюлаётган «кўриниш»лар биз яратган маънавий-мафкуравий бўшлиқлар ўрнида пайдо бўлмадимикан, деган хавотир ҳам бор.

Асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келган миллий қадриятларимиз, тарбия ва одоб унсурлари ёшларимиз сурати-ю сийратида хира тортаётганига бизнинг авлод айбдор эмасми, деган савол мени кўп ўйлантиради. Ота-онамиз бизга берган тарбияни биз болаларимизга бус-бутун бера олдикми? Улар табаррук ва мўътабар деб ҳисоблаган тушунча, ҳис-туйғуларни биз фарзандларимизга сингдира олдикми? Ёки аксинча, илмга, китобга бўлган меҳрни ворисларимиз қалбида уйғота олмаган аслида ўзимиз эмасми?! Албатта, бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бор. Улардан энг биринчиси ва мудом жамиятда катта хавф сифатида сақланиб қолаётгани – компаниябозлик, ура-урачилик каби иллатлардир. Ўйлайманки, айни шу қусур бизнинг жамиятимизда таълим-тарбия, маънавий қадриятлар ва умуман, мафкуравий платформада қалтис силкиниш ҳосил қилди ва унинг натижаларини бугун кўриб турибмиз. Даъвомиз асоссиз бўлмаслиги учун бунга бир мисол келтираман.

Ўтган асрнинг «урҳо-ур» билан кечган 90-йилларида етарли тайёргарлик

Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига роия этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси

кўрмасдан, ўқитувчилар ва ота-оналарни пухта тайёрламасдан, дарслик ва қўлланмалар, дарсдан ташқари ўқиш учун база яратмасдан туриб лотин алифбосига шошқалоқлик билан ўтиб, авлодлар ўртасидаги таълим-тарбия занжири узилишига йўл қўйганимизни ўзимиз ҳам сезмай қолдик. Бу йўл концептуал жиҳатдан хатолардан холи эмас эди. Нимага десангиз, бизга болалигимизда алифбо ҳарфлари ва улардан сўзлар ясаш, уй вазифаларимизни тайёрлашда, баён ва иншоларимизни ёзишда ота-онамиз ёрдам берган бўлса, биз лотин ёзувини билмаслигимиз ва уни ўрганишга ҳаракат ҳам қилмаганимиз сабабли болаларимиз биздан билимга рағбат ололмади. Қолаверса, болалар адабиёти, болалар ва ўсмирлар учун даврий матбуот нашрлари янги алифбога мослашгунча орадан қарийб 5-6 йил ўтиб кетди. Табиийки, бу омил таълимга сезиларли таъсир ўтказди.

Гарчи алифбо масаласига тўхталган эканмиз, мавриди келганда бир гапни айтишни истардим. Биз ҳамон икки алифбони бирдай қўллаб келаётирмиз. Бу эса жамиятда турли тушунмовчиликлар, баъзи ҳолларда эса авлодлар ўртасидаги қутбланишни пайдо қилмоқда, гўё. Эътибор қилинг, бизда шу пайтгача кўчадаги баннерлар, паннолар, ОАВ тили, ташкилот, муассаса ва корхоналардаги асосий иш юритиш ишлари кирилл алифбосида, ёшлар эса таълимни лотин алифбосида олишган?! Мазкур омил ёш мутахассисларнинг янги иш жойларида ҳужжатлар билан ишлашларида муаммолар пайдо қилиб, ўзларининг муносиб ўринларини топа олишида жиддий тўсиқ бўлаётгани ҳақида ўнлаб мисолларни келтириш мумкин. Хўш, бунга ким айбдор, деб ўйлайсиз?

Кўпчилик ёшлар тарбияси ҳақида гапирганда, фақат телефон-у интернетни айбдор қилади. Эҳтимол бу ҳам тўғридир. Бироқ биз айбни кўпроқ ўзимиздан қидирсак, мақсадга яқинроқ бўламиз, назаримда. Ўзингиз ўйлаб кўринг, гўдаклигида ота-онаси, бобо-ю момосидан эртаклар эшитиб улғаймаган, болаликдан ўзи китоб ўқиб, саргузаштлар оламига кирмаган, ўсмирликда адабиётнинг жозибали, завқли ва сеҳрли жиҳатларини туймаган бугунги ёшларни қандай қилиб китобхонликка жалб қиламиз? Қуруқ даъватлар билан иш битмайди-ку!

Шунинг учун ҳам бугунги ёшларимиз китобдан, адабиётдан совиди, телефонга «боғланиб» қолди. Ўзи учун керакли ахборот, эрмак, билим ва керак бўлса, тарбияни ҳам телефондан оляпти.

Энди эскича қолипда маънавий-маърифий ишларни, ахлоқий тарбияни амалга ошириш мутлақо самара бермайди. Биз вазиятни тўғри таҳлил қилиб ва баҳолаб, янгича шароитда иш ташкил қилишимизни замон талаб қилмоқда. Акс ҳолда, шиор ва чақириқлардан нари ўта олмай, яна бесамар тадбирбозликлар ботқоғига ботамиз. Кўп ҳолларда телевидение орқали намойиш қилинаётган бу каби тадбирлар ҳақидаги лавҳалардаги ҳолат буни кўрсатмоқда. Тўғри, оммавийлик, жамоавийлик ҳам керак, лекин биз пандемия даврида олган сабоқларимиз асосида шахс билан ишлаш тизимини ҳам ривожлантиришимиз ҳаётий заруратга айланди.

Бу борада мен Ёшлар билан ишлаш агентлиги, Маънавият ва маърифат маркази «Ижтимоий фикр» маркази ва тегишли илмий-тадқиқот муассасалари биргаликда болалар, ўсмирлар, ёшлар ўртасида ижтимоий сўровлар ва тадқиқотлар ўтказиб, уларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, маънавий-маърифий ва таълим-тарбия ишларининг усул ҳамда услубларини белгилаб олиш зарур, деб ўйлайман.

Маънавий-маърифий ва таълим-тарбия ишларида замонавий ахборот, педагогика ва рақамли технологияларни жорий қилишни жадаллаштиришни давр талаб қилмоқда.

Акс ҳолда, сўнгги пайтда давлатимиз, миллатимизга қарши режали равишда амалга оширилаётган ахборот хуружлари доирасига маънавий иммунитети шаклланмаган ёшларимизнинг кириб қолиб, ёвуз кучларнинг қўғирчоғига айланишига беихтиёр сабабчи бўлиб қолишимиз мумкин.

Оғриқ тишлар...

Зиёга муҳтож зиё маскани

Мактабни зиё маскани, дейишади. Зеро, бу даргоҳда ўғил-қизларга илм-у урфон тарқатилиб, уларнинг ҳаёт йўллари ёруғ ва чароғон бўлишига ҳисса қўшилади.

Аммо Қамаши туманидаги 10-умумтаълим мактаби аҳли учун ёруғлик муаммо. Гап шундаки, 2001 йилда қурилган таълим муассасасида хоналарни ёритиш учун қўйилган чироқларнинг аксарияти ёнмаслиги, эскиргани сабабли ёритиш кўнгилдагидек эмас. Айниқса, улкан мактаб ҳовлисида бирорта ҳам чироқ ўрнатилмагани, қоровулхона электр билан таъминланмагани натижасида кеч тушганда бу маскан зим-зиё бўлиб, одам юришга қўрқадиган ваҳимали манзара пайдо бўлади.

МАКТАБНИ АЙЛАНАР ЭКАНМИЗ, АСЛИДА, МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИ УНЧАЛИК МУРАККАБ ЭМАСЛИГИ, МАКТАБ ВА ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ МУТАСАДДИЛАРИНИНГ ЖИДДИЙРОҚ ЭЪТИБОРИ БИЛАН БАРҲАМ ТОПИШИ МУМКИНЛИГИГА ГУВОҲ БЎЛДИК. ФАҚАТ БУНГА ХОҲИШ ВА ҲАРАКАТ КЕРАК, ХОЛОС.

– Шу мактабнинг қоровулиман, – дейди Илҳом Бобоев. – Қоровулхонада электр токи йўқ. Телефоннинг фонарини ёқиб ўтирамиз.

– Кечалари мактаб ҳовлисининг тўрт бурчагида тўртта чироқ ёниб турса яхши бўларди. Масалан, Нагаҳон қишлоғи кўчаларида чироқлар бор. Аммо шундоқ йўл бўйида жойлашган мактабимизда ваҳимали қоронғулик ҳукмрон, – дейди мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Раҳматилло Менгиров. – Битта синфхонамизга линолеум тўшалмаган. Нафақат қиш фаслида, балки куз ва баҳорда ҳам бу хонада ўқувчиларнинг оёғидан зах ўтиб, улар шамоллаб қоляпти.

Хоналарни айланар эканмиз, мактаб залида куйик ҳиди борлигини сездик. Чақирувгача ёшларни тайёрлаш фани хонасига кирганимизда хона тутунга тўлиб кетганди. Маълум бўлишича, бу мактабдаги хоналар қўлбола печкада, ўтин билан иситилар экан. Печкани чала ёнган ўтин ва бутун атрофни заҳарлайдиган тутун билан қолдириш яхши оқибатларга олиб келмаслигини наҳотки, бу мактабнинг мутасаддилари билишмаса?

– Мактабдаги эскирган ёки ёнмайдиган чироқларни, ишламайдиган қисмларни алмаштиришни, шароитларни яхшилашни сўраб, икки йилдан буён юқори ташкилотларга ариза ёзамиз, – дейди Раҳматилло Менгиров. – Масалан, мактаб ошхонаси йўқ, хоналар етишмайди. Ўқитувчилар хонаси гоҳ тиббиёт хонасига кўчади, гоҳ илмий бўлим мудири хонасида ўтирамиз. Ёнғин хавфсизлиги учун қурилган сув ҳовузининг усти темир қопқоқ билан ёпилмаган, атрофи панжара билан ўралмаган... Хуллас, муаммоларимиз кўп.

Мактабни айланар эканмиз, аслида, муаммоларнинг ечими унчалик мураккаб эмаслиги, мактаб ва туман халқ таълими бўлими мутасаддиларининг жиддийроқ эътибори билан барҳам топиши мумкинлигига гувоҳ бўлдик. Фақат бунга хоҳиш ва ҳаракат керак, холос.

Умид қиламизки, Қамаши тумани «Савсантепа» МФЙ, Нагаҳон қишлоғидаги 10-умумтаълим мактабидаги муаммоларга тезда ечим топилади.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Тиббиёт сабоқлари

АРИТМИЯ – ХАСТАЛИК ЭМАС, АСОРАТ!

Республика ихтисослашган кардиология маркази бўлим бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Темур АБДУЛЛАЕВ билан аритмия ҳақида суҳбатлашдик.

– Аритмия касаллик эмас, у касалликнинг асорати, **– деди суҳбатдошим сўз аввалида.** – Келинг, аввал аритмиянинг белгилари ҳақида гаплашамиз. Аритмияда юрак тез-тез уриб кетади. Одамнинг юзи қизаради. Самолёт қўнаётганда юрагингиз пастга тушиб кетаётгандек бўлади-ку, юрак аритмияда ана шундай бўлади. Аритмиянинг пайдо бўлиш сабаблари турлича бўлиши мумкин. Масалан, улар қуйидагилар:

– юрак касалликлари миокардитлар, нуқсонлар, кардиомиопатиялар, инфаркт;

– электолит мувозанати бузилиши (қонда калий, кальций, магний миқдори ўзгариши);

– асаб тизимининг зўриқиши (невроз, стресс);

– қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши (тиреотоксикоз, гипотиреоз);

– заҳарли моддалар (никотин, алкоголь), айрим дориларнинг ножўя таъсири.

ДАЛИЛ:
Тинч ҳолатда катта ёшдаги соғлом одамларда юрак уришининг ўртача частотаси 1 дақиқада 60-90 зарбга тенг. Юрак уришини бир пиёла аччиқ чой ичгандан сўнг камида 30 дақиқа ўтгач ўлчаш лозим. Ўлчашдан олдин киши оёқ-қўлини ёзиб, 5 дақиқача дам олиши талаб этилади.

Аритмиянинг хиллари кўп. Юрак ритмининг тезлашуви **тахикардия,** секинлашуви эса **брадикардия**, дейилади. Юрак зарбининг вақтидан олдин уриши экстрасистолия, тартибсиз уриши ҳилпилловчи аритмия деб номланади.

– Беморларда бундай ҳолатларда қандай белгилар пайдо бўлади?

– Юракнинг тез-тез уриши, юрак атрофида ёқимсиз, бежо сезгилар, юрак атрофида кучли туртки ёки унинг тиниб қолиши, организмнинг умумий ҳолсизлиги, бош айланиши сезилади.

Аритмияларнинг айрим турлари сезиларли белгиларсиз кечади. Бу вазиятда касалликни фақат бемор пульси текширилганда ёки электрокардиограммаси таҳлил қилинганда ошкор бўлади.

– Аритмиянинг турлари, кўп учрайдиган кўринишлари ҳақида маълумот берсангиз?

– Синусли тахикардия – бу тинч ҳолатда дақиқасига 90-100 зарбдан зиёд частотали тўғри юрак ритми. Соғлом одамларда у жисмоний ва ҳиссий зўриқиш пайтида юзага келади. Аксарият ҳолларда вегетотомир дистонияси (ВСД) билан бирга келади. Тахикардияда агар нафас тутилиб турилса, сезиларли даражада юрак уриш ритми камаяди. Тахикардия тана ҳарорати ошганда тиреотоксикозда, миокардитларда, камқонлик оқибатида ривожланади. Пароксизмал тахикардия – бу аритмиянинг бир тури бўлиб, дақиқасига 140-240 тага етадиган юрак уриши хуружлари билан характерланади. У тўсатдан бошланади ва тўсатдан тугалланади. Бир неча сониядан тортиб бир неча кунгача давом этиши мумкин. Тахикардия хуружида беморда тер чиқиши, ҳарорат кўтарилиши, ҳолсизлик, алаҳсираш, юрак атрофида нохуш сезгилар кузатилади.

Одамда аритмия аломатлари мавжуд бўлса, ташхисни аниқлаш ва муолажа ўтказиш учун шифокорга мурожаат қилиш лозим. Оғир аритмия хуружи пайтида зудлик билан «Тез ёрдам» чақириш мақсадга мувофиқдир. Гарчи, бу касалликни аниқлаш учун қийин диагностик муолажалар шарт бўлмаса-да ташхис қўйиш учун аксарият ҳолларда ЭКГ ўтказишнинг ўзи кифоя қилади. Аритмияларнинг турлари орасида пароксизмал тахикардия, тебранма аритмия ва юрак блокадаси айниқса хавфли. Чунки ушбу касалликлар хуружлари пайтида бемор кўпинча тез ёрдамга муҳтож бўлади.

МАЪЛУМОТ:
Аритмия – юрак уришининг частотаси, ритмия ва изчиллигининг бузилиши. Соғлом одамда юрак бир маромда уриб туради, жисмоний ёки руҳий зўриқиш вақтидагина унинг уриш тезлиги ўзгаради. Бу ўзгариш организмнинг қонга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга интилишдир.

– Аритмияга ташхис қўйишда нималарга эътибор қаратиш керак?

– Текширишлар, энг аввало, аритмия ривожланишининг асосий сабабларини аниқлашга қаратилади. Бунда дастлаб миокард инфаркти, миокардит, кардиосклероз, тиреотоксикоз, электролит бузилишлар ва шу каби касалликларга синовлар ўтказилади. Кўпинча дастлаб ташхис тасодифан, мажбурий, умумий кўриклар пайтида қўйилади. Чунки аритмия узоқ вақт симптомларсиз кечиши мумкин. Лекин юрак ритми бузилиши характери ва аритмия сабабини фақат электрокардиографик текшириш чоғида (ЭКГ), аниқлик билан белгилаш мумкин. Бу текширишларни шифокор-кардиолог тайинлайди.

– Аритмияни даволаш усуллари қандай?

– Парҳез. Аритмия касалликлари учун махсус парҳез йўқ. Бироқ калийга бой картошка, узум, ўрик ва магнийга бой сули ва ёсмиқ ёрмаси, туршаклар, ёнғоқлар истеъмол қилиш тавсия этилади. Бу озиқ-овқатлардан фойдаланиш юрак ритмига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Дори воситаларини шифокор кўрсатмасига кўра ва унинг назорати остида қабул қилиш лозим. Асаб тизими фаолиятининг бузилишлари билан намоён бўлган енгил аритмияни даволаш учун седатив воситалар, калий ва магний препаратларидан фойдаланиш мумкин.

– Аритмияда биринчи ёрдам кўрсатиш мумкинми?

– Аритмия хуружида биринчи навбатда «Тез ёрдам» чақириш керак. «Тез ёрдам» етиб келгунча беморнинг аҳволини бирмунча енгиллаштириш учун қуйидагиларни бажариш зарур. Аввало, беморни тинчлантириш, тўшакка ётқизиш лозим. Тинчлантирувчи дори – валериана настойкаси, арслонқуйруқ настойкаси, корвалол ва шунга ўхшаш воситалар бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Айрим ҳолларда беморни чуқур нафас олдириш, нафасни ушлаб туриш, бармоқлари билан бурунни қисиш ва кучаниб нафас чиқаришни, ўпкадаги ҳавони қисиб ушлаб туришни сўраш керак. Гарчи ушбу жараёнда юз қизариб кетса-да, бу хавфли эмас. Ана шундай бир неча кучанишлардан кейин юрак уриши хуружи кўпинча тўхтайди.

Зиёда РАЖАБ қизи
суҳбатлашди

Хотира уйғонса, гўзал!

Юртимизда исломшунослик, хусусан, ҳадисшуносликка алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Зеро, бу таълимотни ўрганиш азалдан муҳим ҳисобланган.

Буюк муҳаддислар издоши

Бунинг яна бир муҳим жиҳати борки, мазкур шарафли соҳа тараққиётида Ўзбекистон олимлари ҳамиша пешқадам бўлган ва унинг илмий, фундаментал тадқиқотлар даражасига кўтарилишига улкан ҳисса қўшган. Сўнгги йилларда Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази, шунингдек, Ҳадис илми олий мактабларининг очилиши, Термизда Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот маркази каби таълим ва илмий муассасалар ўз фаолиятини бошлаши катта эътибор натижаси ҳисобланади. Ҳадисшуносликка оид тадқиқотлар, машҳур ҳадис манбаларининг она тилимизга таржима қилиниши ва изоҳланиши бунинг ёрқин тасдиғидир. Шу асосда халқимиз, айниқса, ёшларимиз мўътабар ҳадислар маъноси изоҳланган таржима ва тадқиқотлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди.

Ҳадис илми ривожига салмоқли ҳисса қўшган олимларимиз қаторида тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов алоҳида ажралиб туради.

У киши 60 йилдан ортиқ умрини аждодларимиз маънавий-маърифий мероси дурдоналарини, қўлёзмаларни ўрганишга бағишлади.

Убайдулла Уватов 1964 йил Ўрта Осиё Давлат университетининг Шарқшунослик факультети, араб филологияси бўлимини шарқшунос, араб филологи мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тамомлади. 1964 йилдан бошлаб турли даврларда Тошкент давлат университетининг Шарқшунослик факультетида педагогик фаолиятини олиб борган. Шунингдек, 1962-1963 йилларда Миср Араб Республикаси, 1966-1967 ва 1975-1978 йилларда Ироқ давлати, 1982-1985 йилларда Ливияда араб тили таржимони сифатида фаолият кўрсатган.

1967-1970 йиллар Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти аспиранти бўлган. 1974 йил номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган ва 1992 йилда «Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи» номли монографиясини ўзбек тилида илм аҳлига тақдим этган.

Устоз 1999 йилдан ўз фаолиятини Тошкент ислом университети «Исломшунослик илмий тадқиқот маркази», кейинчалик «Манбалар хазинаси» бўлимида олиб борган. Ушбу фаолият давомида ёш тадқиқотчиларга манбашунослик, исломшунослик илмларига доир билим ва кўникмаларни ўргатиш билан биргаликда, буюк муҳаддислар: Имом Бухорий, Муслим ва Абу Исо Термизийлар ҳаёти ва илмий меросини ўрганишга киришди. У 2002 йил Тошкент ислом университетида «Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожида тутган ўрни» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

Уватов ҳадисшунослик, айниқса, машҳур муҳаддислар Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий, Имом Муслим ва яна бир қатор муҳаддислар ҳаёти, илмий меросига бағишланган кўплаб асарлар яратиб, чоп эттирди. Шундай асарлар сирасига «Икки буюк донишманд», «Имом ал-Бухорий», «Ўрта Осиё муҳаддислари», «Ҳадис илмининг султони», «Буюк донишманд» каби ўнлаб китобларни киритиш мумкин.

Устоз журнал, тўплам, газета ва турли оммавий ахборот воситаларида айнан муҳаддислар, ҳадис илми манбалари, ҳадисшунослик билан боғлиқ мақолаларга бағишланган юзлаб мақола чоп этиб, туркум кўрсатувлар, эшиттиришларда чиқишлар қилган. Убайдулла аканинг мақолалари маълумотларга бойлиги, оддий китобхонга тушунарлилиги, самимийлиги билан ажралиб турар эди. Домланинг турли ташкилотларда, маҳаллаларда, ўқув муассасаларида қилган маърузалари ҳақида доимо илиқ сўзлар, олқиш-у мақтовлар эшитганмиз.

У кишининг фидокорона меҳнатлари беиз кетмади. Давлатимиз ва кенг жамоатчилик томонидан юксак эътироф этилди. Хусусан, у аждодлар илмий меросини ўрганиш, уларни халқимизга етказиш ҳамда ёш олимларни тарбиялаш ишларида қилган хизматлари учун 2017 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони, 2020 йилда эса «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Убайдулла Уватовнинг ёрқин хотираси шогирдлари, илм аҳли орасида доимо яшайди, улар устозларининг хайрли, ибратли ишларини муттасил давом эттиради.

Зоҳиджон ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор

Хоразм вилояти

Фаолият

ВАТАНПАРВАРЛАР ҚАНДАЙ ТАРБИЯЛАНМОҚДА?

Болалигида ҳарбий бўлишни орзу қилмайдиган ўғлон бўлмаса керак. Чинакам ватанпарвар авлод қандай тарбияланади? Бунда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳиссаси қанчалик? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида ташкилотнинг Хоразм вилояти кенгаши таркарруфидаги «Урганч шаҳар автомобиль спорт техника мактаби» унитар корхонасида бўлдик.

Корхона дарвозасидан кириб бораётиб, парашютдан сакраш машғулотлари олиб борилаётган жараённинг гувоҳига айландик. Мураббий Рустам Бобожонов ўғил-қизларга диққатни жамлаш, тезкор ҳаракатланиш, самолётдан сакраётганда қандай ҳолатда туриш ҳақида тушунча бераётган эди.

– Мен 1500 марта парашютдан сакраганман. Ҳар сафар ўзига хос таассуротга эга бўлганман, – дейди Рустам ака. – Ушбу спорт тури кишида мардлик, жасорат туйғуларини шакллантиради. Инсонни нафақат жисмонан, балки руҳан ҳам тарбиялайди. Умрида бир марта бўлса-да, парашютдан сакраган инсоннинг ҳаётга муҳаббати янада ошади.

Ҳозирда Рустам ака 70 дан зиёд ўғил-қизларга парашютдан сакрашни ўргатмоқда. Собиқ шогирдлари орасида эса ҳарбийлар, учувчилар кўпчиликни ташкил қилади.

Корхонада, шунингдек, мотопойга, пневматик қуролдан ўқ отиш секциялари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир секция 2 гуруҳдан иборат. Уларда 100 дан ортиқ ёшлар шуғулланиб келмоқда.

– Спорт секцияларига кўпроқ ёшларни жалб қилиш мақсадида мактабларга ташриф буюриб, фаолиятимиз акс этган видеороликлар намойиш қиляпмиз, улкан натижаларни қўлга киритган спортчи ёшларимиз билан учрашувлар уюштиряпмиз. Ўқувчиларни корхонамизга таклиф қилиб, кўргазмали чиқишлар ташкил қиляпмиз, – дейди корхона раҳбари Маҳмуджон Давлатжонов.

Тарғибот тадбирлари натижасида мотопойга секциясида шуғулланиш истагидаги ёшлар сони ҳам ортиб бормоқда. Ушбу секция аъзоси Максим Арипов ўтган мавсумда Сурхондарё, Жиззах вилоятларида ўтказилган республика биринчилиги мусобақаларида 2-ўринни эгаллади. Секция қатнашчилари учун Японияда ишлаб чиқарилган «Хонда» русумли спорт мотоцикли, «ЧЗ» русумли спорт мотоцикли, Австрияда ишлаб чиқарилган «КТМ» коляскали спорт мотоцикли сотиб олинди.

Мерганлар орасида қизлар ҳам кўплигини кўриб қувондик. Бу спорт тури кишини фикрни жамлашга, тўғри қарор қабул қилишга ўргатади.

Бундан ташқари, радиотелефончилар, компьютер саводхонлиги, рус тили ўқув курслари фаолият кўрсатмоқда. Автокранчилар, электропайвандчилар тайёрланмоқда. Ўқув хоналари талаб даражасида интерактив доскалар билан жиҳозланган. Компьютерлар билан жиҳозланган алоҳида аудиториялар электрон ўқув услубий қўлланмалар билан таъминланган. Ўқитиш жараёнларини таҳлил қилиш мақсадида аудио видео кузатиш камералари ўрнатилган.

Албатта, корхонада «А», «В», «ВС», «Д», «ВЕ», «СЕ» тоифали ҳайдовчиларни тайёрлаш фаолиятнинг асосий турларидан бири саналади. Бунинг учун барча шароитлар яратилган, ўқув хоналарида автотренажёрлар ўрнатилган. Замонавий шароитларда бир вақтнинг ўзида 10 та гуруҳда ҳайдовчилар тайёрланмоқда. Амалиёт жараёнлари учун «Кобальт», «Нексия», «Спарк», «Дамас», «Матиз», «Исузи» автомобиллари ва автобуси, «Лифан» мотоцикллари хизмат қилмоқда.

Ҳар қандай соҳа қулай рақобат муҳити, ходимларга яратилган шароитлар асосида ривожланади. Корхонада фаолият кўрсатаётган 41 нафар ходим меҳнатлари муносиб рағбатлантирилмоқда. Турли танловлар ташкил қилиш орқали уста мураббийлар ва таҳсил олаётган ўқувчиларнинг маҳоратлари ошириб борилмоқда. Тиббиёт хонасида усталар ва ўқувчилар саломатлиги мунтазам назорат қилиб борилаётганлиги ҳам иш сифатига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Асосий эътибор ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилмоқда. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда умумтаълим мактабларида маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилмоқда. Уларда ёшлар Ватанни кўз қорачиғидек асрашга, аждодларга муносиб авлод бўлишга даъват қилинмоқда. Шунингдек, мактабларда бир қатор ҳунармандчилик тўгараклари ташкил қилиниб, ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун замин яратилмоқда.

– Мақсадимиз – ватанни жондан севувчи ёшлар тарбиясига ҳисса қўшиш, ёшларнинг Ватан олдидаги масъулиятини ҳис қилишларига эришиш, – дейди корхона раҳбари Маҳмуджон Давлатжонов. – Бунинг учун бор имкониятларимизни сафарбар қиламиз.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«ISHONCH»

Фарғона вилояти

Ишчи гуруҳи фаолияти

Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан хонадонма-хонадон юриб, аниқланган муаммолар баҳоли қудрат ҳал этиляпти.

ТИКУВ МАШИНАЛАРИ ТУҲФА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон туманининг «Қулибек» МФЙда яшовчи Гўзалхон Эркабоева 3 нафар фарзандни ёлғиз ўзи катта қилаётгани, устига-устак бир фарзанди 2-гуруҳ ногирони экани маълум бўлгач, ундан қандай ёрдам кўрсатилса, мушкули осон бўлиши сўралганда, қўлидан тикувчилик келиши, лекин тикув машинаси йўқлигини айтган эди. Кўп ўтмай унга касаба уюшмалари томонидан тикув машинаси туҳфа этилди.

– Касаба уюшмаларига катта раҳмат, – дейди Гўзалхон Эркабоева. – Энди касб-корим орқасидан рўзғор тебратишим мумкин.

Туманнинг «Кичик Тагоб» маҳалласида яшовчи яна бир 2-гуруҳ ногирони Ҳуснидахон Азизова ҳам тикув машинаси берилганидан мамнун.

Шу куни «Аёллар дафтари»га киритилган Намуна Худойбердиева, Озодахон Исоқова, Зулхумор Жўраевага ҳам тикув машинаси топширилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

Тошкент вилояти

Фан ойлиги

Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларидаги умумтаълим мактабларида фан ойлиги доирасида олимпиадалар, очиқ дарслар, билим беллашувлари кенг доирада ўтказилмоқда.

БУГУНГИ БИЛИМ — ЭРТАНГИ ҒАЛАБА

Хусусан, Паркент туманидаги 40-мактабда математика-информатика фани доирасида аниқ фанлар фан ойлигига бағишлаб ташкил этилган очиқ дарсда мактабнинг 5-синф ўқувчилари турли мисол ва масалалар, гиометрик амаллар доирасида олган билимларини синаб кўришди. Очиқ дарс, айниқса, ўқувчиларнинг саҳнавий чиқишлари билан ота-оналарда катта таассурот қолдирди.

– Истеъдодли болалар, янги ғоялар мана шундай дарсларда шаклланади, – дейди математика ва информатика фани ўқитувчиси Зебунисо Қаюмова. – Ахир, бугунги билим – эртанги ғалаба, деб бежиз айтишмайди. Албатта, бундай беллашувлар юқори синф ўқувчилари ўртасида ҳам ташкил этилса, бунинг натижаси самарали бўлишига ҳеч ҳам шубҳа қилмайман.

Ўз мухбиримиз

Табрик

Эҳтиёт шарт!

ТАРБИЯНИНГ ТАЪСИРИ КАТТА

Гугурт билан ўйнаётган болага «бу ёнғин келтириб чиқаради», десангиз, у ёнғиннинг қандай содир бўлишига қизиқиб қолади. Агарда ушбу ҳолат расмлар ёки видео картиналар орқали кўрсатиб берилса, бу ҳолат унинг ҳеч қачон эсидан чиқмайди.

Мана шу тамойил ҳисобга олинган ҳолда туманимиз ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари таълим муассасаларида бўлиб, болажонларга тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришаётир.

Тадбирлар таъсирчанлигини оширишда болажонларнинг ўзлари ташкил этган қизиқарли саҳна кўринишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўйлаймизки, олиб борилаётган тадбирлар натижасида эҳтиёткорлик ва эътиборимиз ошади, ёнғин каби офатлар ҳеч кимнинг уйида содир бўлмайди.

Маъруф ШАРИПОВ,
Яккасарой тумани ФВБ ходими, катта лейтенант

Тошкент вилояти

Халқ билан мулоқот

Муаммолар ечимига йўл

Аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларни тизимли ҳал этиш борасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Натижада кўплаб муаммолар жойида ҳал этилиб, тегишлилиги бўйича ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Хусусан, Тошкент вилоятининг Ангрен, Бекобод, Нурафшон, Олмалиқ, Оҳангарон, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида истиқомат қилаётган аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси масъуллигида Ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, бу борада тизимли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур Ишчи гуруҳларга мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари ҳам жалб этилган.

Ишчи гуруҳ вакиллари маҳаллаларни ўрганиш бўйича кунлик жадваллар асосида ҳар бир кўча, даҳа, кўп қаватли уйлар кесимида иш олиб бормоқда. Аниқланган камчиликларнинг тезкор бартараф этилишини таъминлаш мақсадида соҳавий идора ва ташкилотлардан масъуллар ҳамда вазифалар белгилаб олинган. Вилоят даражасидаги муаммо ва камчиликларни жойида бартараф этиш, республика даражасида ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ечим топиш чоралари кўрилмоқда. Ўрганиш натижалари ва аниқланган муаммолар кунлик таҳлил этилиб, белгиланган вазифалар ижроси доимий мониторинг қилиб борилмоқда.

Айни кунгача вилоятнинг юқорида номлари келтирилган 7 та шаҳридаги мавжуд 242 та маҳалладан 187 таси ҳамда улардаги 952 та кўча касаба уюшмалари мутасаддилигида бирма-бир ўрганиб чиқилди. Ушбу ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари томонидан кўтарилган муаммо ва камчиликлар босқичма босқич ҳал этиб борилмоқда.

Хусусан, бугунгача Касаба уюшмалари Федерацияси мутасаддилигида манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда аҳоли томонидан кўтарилган **3839 та** муаммоли масала ўрганиб чиқилиб, уларнинг **2007 таси** ***(52,3%)*** **жойида ҳал этилди, 1832 тасини** ***(47,7%)*** ҳал этиш муайян вақт талаб қилгани сабабли уларнинг ижроси назоратга олинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси масъуллигидаги Ишчи гуруҳига келиб тушган мурожаатларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аҳолини энг кўп ташвишга солаётган масалалар:

– маҳаллий ҳокимлик органларига тегишли ободонлаштириш, ички кўчаларни ёритиш ва таъмирлаш масалалари ***(892 та ёки 23,8%);***

– электр энергия таъминоти ***(471 та ёки 12,3%) бўйича масалалар;***

– коммунал хизмат кўрсатиш ***(426 та ёки 11,1%) соҳасидаги мурожаатлар;***

– ичимлик суви ***(390 та ёки 10,2%) билан боғлиқ масалалар;***

– соғлиқни сақлаш ***(305 та ёки 8,0%)*** соҳасига тааллуқли мурожаатлардир.

Мазкур мурожаатлар ҳудудлар кесимида таҳлил этилганда, уларнинг аксарияти Чирчиқ, Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарлари аҳлидан келиб тушгани маълум бўлди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мутасаддилигидаги Ишчи гуруҳларининг аҳоли муаммоларини ўрганиш ва тезкорлик билан ҳал этиш ишлари изчил давом этмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати

Ҳамкорлар минбари

Одатда, аёлнинг жамиятдаги ўрни ва вазифаларини фақат оила ҳамда фарзандлар тарбияси билан боғлаймиз. Аммо ҳозирги глобаллашув шароитида бундай ёндашув нотўғри эканини тушуниб етдик. Нега? Чунки «оила гултожи» дея таърифланадиган опа-сингилларимиз айни вақтда жамиятнинг барча бўғинларида самарали меҳнат қилиб, юксак натижаларни қўлга киритяпти. Барчага ибрат намунаси бўлмоқда. Аёлнинг жамиятда ўз ўрнини эгаллаши эса ҳаётдан бахт-у саодат топишини англатади.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАРГА КЎМАКДОШМИЗ

Мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар опа-сингилларимизнинг нафақат ижтимоий фаоллиги, балки турмуши фаровонлигига ҳам имкон яратаётир.

Бугунги кунда юртимиз аҳолисининг 17 миллиондан зиёдини хотин-қизлар ташкил қиляпти. Уларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда муаммоларини бартараф этиш эса муҳим вазифалардандир. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида шу ҳақда тўхталар экан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бошчилигида мутасадди идоралар, банклар ва ҳокимликлар томонидан жойларда уйма-уй юриб, 6 миллиондан ортиқ хотин-қизларнинг муаммолари пухта ўрганилгани, натижада биринчи марта жойлардаги ҳақиқий аҳвол юзага чиқиб, шулар асосида «Аёллар дафтари» шакллантирилаётгани, хотин-қизларни қийнаётган кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларга амалий ечим топилаётганини қайд этиб ўтди. Хусусан, бу ишларга маҳаллаларда янги ташкил этилган «Аёллар маслаҳат кенгашлари» ҳам яқиндан кўмак бераётгани қувонарли жиҳат. Лекин бу аёллар муаммоларини ечиш учун биз бажаришимиз шарт ва зарур бўлган ишларнинг бошланиши, холос.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, аёлларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда аниқланган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтириладиган бўлди. Бунинг учун «Халқ банки» томонидан жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга амалий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими жорий этилди.

Хўш, мазкур тизим асосида қандай ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда?

Аввало, Савдо-саноат палатаси, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар ҳамда «Ҳунарманд» уюшмалари, хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари, шунингдек, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда ўқув-курслари ташкил этиш орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган ва «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг бизнес лойиҳаларини тузишга ёрдам берамиз. Айниқса, олис ва чекка ҳудудларда томорқадан даромад манбаи сифатидан фойдаланиш, яъни, енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, «Томорқа хизмати» корхоналари ва «дала дўконлари»ни ташкил этиш ҳамда парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Бу эса, ўз навбатида, опа-сингилларимизнинг эзгу интилишларини рағбатлантиришга хизмат қилиши аниқ.

Умуман олганда, аёллар меҳнатини қадрлаш, истеъдод ва салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида банк томонидан 60 дан зиёд бизнес лойиҳасини ишлаб чиққанмиз ва улар доирасида тадбиркорликнинг барча йўналишларида базавий ҳисоблашнинг 150 бараваригача бўлган миқдорда кредитлар ажратишни режалаштирганмиз.

Биласиз, олис ва чекка ҳудудларда яшайдиган аёлларимизнинг аксарияти замонавий хизматлардан фойдаланиш учун қишлоқдан шаҳарга қатнайди. Биз тақдим этаётган лойиҳалар эса тадбиркор, меҳнатсевар, фидойи ва қўли гул опа-сингилларимизнинг шаҳарга бориши учун имкон қолдирмайди. Қандай қилиб дерсиз? Бунинг ечими оддий: биз шаҳарда кўрсатиладиган замонавий хизмат турларини қишлоқ ва туманлардаги хотин-қизларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали амалиётга татбиқ этамиз. Натижада, меҳнат билан банд бўлмаган 70 минг нафар опа-сингилларимиз доимий иш ўрни билан таъминланади.

Ҳозир «Халқ банки»нинг барча ҳудудий, туман ва шаҳар филиалларида раҳбарнинг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича ўринбосарлари штатлари жорий этилиб, бу лавозимларга муносиб номзодлар тайинламоқда. Улар келгусида жойлардаги ишбилармон хотин-қизларнинг энг яқин кўмакчиси, ишончли маслакдошига айланади.

Гулзода РАШИДОВА,
«Халқ банки» бошқарув раисининг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўринбосари

Тошкент шаҳри

Тадбир

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши ҳамда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида тузилган тармоқ келишувига асосан ходимларнинг малакасини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

ЎҚУВЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

Ўтган йили республиканинг турли ҳудудларидан 600 нафар ходимнинг малакасини ошириш белгиланган эди. Пандемия сабабли бу рақам тўлиқ амалга ошмади. Шундай бўлса-да, ўқувлар онлайн тарзда ўтказилиб, унда ташкилот раҳбарлари ва ходимлар иштирок этди ва 438 нафар аъзо малака оширди. Дарсларда тармоқ касаба уюшмаси кенгашининг ўқитувчи-тренерлари ўз маърузалари билан қатнашди.

ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган «Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида»ги, «Мажбурий меҳнат тўғрисида»ги, «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги, «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида»ги конвенциялари, шунингдек, пахта йиғим-теримига ҳашарчиларни жалб қилишда улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва уларни касаба уюшмаси аъзолигига жалб қилиш тартиби бўйича тушунчалар берилди.

Дарслар якунида тест синовлари ўтказилиб, иштирокчиларга тармоқ кенгашининг сертификатлари топширилди.

Аъзам АБУЛФАЙЗОВ,
«ISHONCH»

* * *

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда «TUMO» креатив технологиялар маркази ўртасида Меморандум имзоланди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг раҳбар ходимлари ҳамда «TUMO» креатив технологиялар марказининг Еревандаги вакиллари ва бошқалар иштирок этди.

«ТУМО» БИЛАН МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Маълумот ўрнида қайд этиш лозимки, «TUMO» маркази креатив технологиялар соҳасида ёшларни амалий фаолиятга тайёрлайдиган инновацион таълим платформаси ҳисобланади. Ихтисослашган курслар, маъруза ва тадбирлар талабаларга ўз билим ва кўникмаларини кундалик ҳаётда қўллаш имкониятини беради. Марказнинг асосий мақсади ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва IT соҳасидаги ижодий салоҳиятларини тўлақонли юзага чиқаришдан иборат бўлиб, унга 2011 йил Ереванда, Арманистонда асос солинган. Арманистондан ташқари «TUMO» марказлари Париж, Байрут, Москва, Тирана ва Берлинда ҳам фаолият юритади. Ёшлар бугунги глобал меҳнат бозорида талаб юқори бўлган график дизайн, 3D моделлаштириш, дастурлаш, робототехника, веб-дастурлаш, кино ишлаб чиқариш сингари 14 та йўналиш бўйича ўқитилади.

«TUMO» креатив технологиялар маркази ахборот технологиялари соҳасидаги турли халқаро мукофотлар совриндори бўлиб, у дунёнинг инновацион мактаблари рейтингида етакчилик қилади.

Ўз мухбиримиз

Хоразм вилояти

Таъсис конференцияси

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти ташкилоти таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Вилоят кенгаши нималарни ўзгартиради?

Қуйи бўғинлардан сайланган делегатлар фаолият самарадорлигини оширишда вилоят бўлинмасининг аҳамиятини эътироф этишди. Қуйи бўғинлар таклифлари ва Республика кенгашининг тегишли ҳужжатига мувофиқ, конференцияда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти бўлинмасини ташкил этиш ва ташкилот низомини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шунингдек, вилоят кенгаши, тафтиш комиссияси таркиби тасдиқланди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси вазифасида ишлаб келаётган Рашид Йўлдошев тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси, Гулхоним Аминова кенгаш раиси ўринбосари этиб сайланди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«ISHONCH»

* * *

Самарқанд вилояти

Самарқандда соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг навбатдан ташқари конференцияси бўлиб ўтди.

Тузилма такомиллаштирилди

Делегатлар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши тузилиши тўғрисидаги ташаббусни бир овоздан маъқуллашди.

Ташкилий анжуманда соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси вазифасида ишлаб келаётган Маъруф Бобоёров тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгашининг раиси этиб сайланди.

Конференцияда сўз олган бирлашма кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Гўзал Тўхтаевалар янги тузилма олдида турган муҳим вазифалар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

* * *

Қорақалпоғистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси (кенгаши)ни ташкил қилиш бўйича анжуман бўлиб ўтди.

Янгича ғайрат билан

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари, Касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, сенатор Улуғбек Жалменов, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Гўзал Тўхтаева ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Аймурат Танирбергенов иштирок этди.

Тадбирда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси (кенгаши) ташкил қилинди ҳамда унинг Низоми тасдиқланди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси, аъзолари, тафтиш комиссияси раиси, аъзолари сайланди.

Анжумандан сўнг Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг 1-ташкилий кенгаш мажлиси ўтказилди. Унда мазкур кенгашнинг жамоатчилик асосидаги раис ўринбосари, президиум аъзолари сайланиб, штатлар жадвали тасдиқланди.

Лизахан БАЙБОСИНОВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси

Эълон

«Ҳамкор суғурта» МЧЖ маълум қилади:

«Ҳамкор суғурта» МЧЖнинг HS серияли 060974-сонли суғурта полиси йўқолгани сабабли бекор қилинади ва ушбу полис доирасида юзага келадиган суғурта даъволари бўйича компания мажбурият олиб бормайди.

Навоий вилояти

Шукуҳ

«ЭРКАКЛАР БЎЛМАСА, АЁЛЛАРГА БАЙРАМ ТАТИРМИДИ?»

«Navoiyazot» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раҳбари Феруза Файзиева билан суҳбат

– Феруза опа, оиласи ва келажагини ўйлайдиган эркак зоти борки ҳамиша аёлларни, оналарни эъзозлайди. Аслида, бу буюк эҳтиром ортида эркакларнинг тўла-тўкис бахти яширин. Байрам аёлларимизники бўлгани билан бундан эркаклар кўпроқ шукуҳ топади. Сиз аёл сифатида оилангиз даврасида шундай кайфият борлигини ҳис қиласизми?

– Бу ҳолат, аслида, аёлларимиз учун ҳам жуда ёқимли. Мен шунисидан хурсанд бўламанки, турмуш ўртоғим уйимиз эшигидан кириши биланоқ фарзандларидан «онанг қани», деб сўрайди. Ёки ўғилларим ўқишдан кечроқ қайтса, отасидан биринчи бўлиб, «аям уйдами», дея менинг бор-йўқлигимни суриштиради. Қизим бўлмаса-да, ўғилларимдан, жуфтимдан бундай каломни эшитиш жуда ҳам ёқимли. Эримнинг, ўғлимнинг қувончи, дарди менинг шодлигим ва ғамимдир. Отанинг кайфияти онанинг кимлигига, қандайлигига боғлиқ. Эркаклар бўлмаса, аёлларга байрам татирмиди?

– Янглишмасам, «Navoiyazot»да 10 000 нафар киши ишлайди. Шундан салкам ярмини хотин-қизлар ташкил қилади. Уларнинг ҳаммасида ҳам оилавий тўкислик борми?

– Мен шундай бўлишини жон-у дилимдан истардим. Аммо ҳаёт бир текис эмас. Жамоамиз хотин-қизларига келсак, яхши корхонада ишлаётганидан, шу ерда ҳурмат-эъзоз топаётганидан бахтиёр. Улар ҳамиша ҳимояда. Қийин вазиятларда моддий-маънавий ёрдамни аямаймиз. Корхонамизда аёлнинг қадр-қиммати бўлакча.

– Касаба уюшма қўмитаси арзимаган сабаблар билан ишдан ҳайдалаётган опа-сингилларимизни ҳимоя қилиб, иш жойида сақлаб қола оладими?

– Иш ўрнини йўқотиш ҳар қандай киши учун катта йўқотиш ҳисобланади. Айниқса, аёллар учун бу ҳолат анчайин қийин кечади. Шунингдек, арзимас сабаблар билан жамоа шартномаси бекор қилинаётган опа-сингилларимизнинг аксариятини ўз вазифасида қолдиришга эришяпмиз. Ўтган йили айнан шу масалада тўқсон фоиз ҳолатда мақсадга эришдик.

– «Аёллар дафтари»нинг юритилиши «Navoiyazot» корхонаси хотин-қизлар ҳаётига нечоғли таъсир қилмоқда?

– Корхонамиздаги ҳар бир хотин-қиз бу дафтарнинг юритилишидан хабардор. Шунингдек, ишчиларимиз яшайдиган маҳаллалар раҳбарлари билан ҳам узвий алоқадамиз. Пандемия шароитида қийналиб қолган хотин-қизларга амалий ёрдам қилдик.

– Опа-сингилларимизнинг маънавий дунёсидан ҳам хабардормисиз? Улар бугун сериалларга, маънан пуч, олди-қочди бадиий асарларга боғланиб, салгина бўлса-да, ўзлигини унутиб юбормаяптими?

– Албатта, ҳаммаси маънавиятга, тарбияга боғлиқ. Сериал деб телевизорга «ёпишиб» қолишдан, вақтни беҳуда ўтказишдан сақланиш керак. Зериксак, Абдулла Қодирий, Ўткир Ҳошимов, Тоҳир Малик, Ҳалима Худойбердиеванинг сайқал топган асарлари бор. Бу асарлар қайноналарга ҳам, келинларга ҳам маънавий озуқа беришига ишонаман. «Ўтган кунлар» билан «Икки эшик ораси» бутун дунёни поклаш қудратига эга. Айни дамда турли тадбирлар, амалга ошираётган ишларимизда шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қилаяпмиз. Фурсатдан фойдаланиб, байрам арафасида корхонамизда хизмат қилаётган барча опа-сингилларимизни, юртимизнинг дилбар ва мунис аёлларини чин дилдан табриклайман.

«Ishonch» мухбири Нормурод МУСОМОВ суҳбатлашди

Тошкент вилояти

Молия муассасаларида

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ўзининг хорижий кредит линиялари орқали жалб қилинган маблағлари билан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялашга доир инвестиция лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига қаратилган жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда.

МАБЛАҒ МАҚСАДЛИ ЙЎНАЛТИРИЛСА...

Маҳсулотни нафақат ички бозор, экспортга ҳам чиқариш мумкин

Банк томонидан молиялаштирилган Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги «NEO OSIYO GRAND» МЧЖга бир гуруҳ республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида пресс-тур ташкил этилди.

Пресс-тур давомида иштирокчилар хўжалик моллари ишлаб чиқарувчи корхона фаолияти билан бевосита яқиндан танишиш имконига эга бўлишди.

«NEO OSIYO GRAND» МЧЖ 2017 йилда ўз маблағлари ҳисобидан ташкил этилган, унинг раҳбари – Фазлиддин Жўраев. Корхона фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш ҳамда хориждан янги асбоб-ускуналар сотиб олиш мақсадида 2019 йилнинг май ойида «Микрокредитбанк» АТБдан кредит расмийлаштирилган. Корхонанинг умумий лойиҳа қиймати 2,4 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Шундан ўз маблағлари 714 минг АҚШ доллари, «Микрокредитбанк» АТБ кредити ҳисобидан 1,7 миллион АҚШ доллари ажратилган.

Хўжалик моллари ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуна ва жиҳозлар Хитойдан харид қилинган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар маҳаллий бозорга ҳамда Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон давлатларига экспорт қилинмоқда. Ишлаб чиқариш қуввати (йиллик) 2,5-3 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Айни пайтда корхонада 200дан ортиқ янги иш ўрни яратилган. Корхона хўжалик моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ва ушбу мақсадда ишга туширилган кредит ҳисобидан олинган асбоб-ускуналар билан фаолиятини олиб бормоқда.

«Микрокредитбанк» ахборот хизмати

МАЪЛУМОТ УЧУН:

«Микрокредитбанк» АТБ 2020 йилда тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун 1 519,8 миллиард сўм эквивалентида маблағлар ажратди. Шундан, миллий валютада 205,8 миллиард сўм миқдорида 71 та лойиҳа, хорижий валютада 75,4 миллион АҚШ доллари миқдорида 106 та лойиҳа ва 40 миллион евро миқдорида 44 та лойиҳа молиялаштирилган. 2021 йилда ҳам банк томонидан истиқболли лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Табрик

AGROBANK

«Agrobank» ATB
munis ayollarimizni
8-mart –
Xalqaro xotin-qizlar kuni,
go'zallik va nafosat
bayrami bilan tabriklaydi!

/AgrobankChannel
/agrobankuzbekistan
«Agrobank Mobile» мобиль иловасини юклаб олинг
Download on the App Store
GET IT ON Google Play
www.agrobank.uz
Телефон (+998 71) 203-88-88.
Хизматлар лицензияланган

Табрик

XalqBanki

март

Опа-сингилларимизга тенгсиз латофат ва нафосат соҳибалари, дея таъриф берамиз.
Эзгулик ва фидойилик рамзи, хонадонларимизнинг файз-у фаришталари сифатида эъзоз-у эҳтиром кўрсатамиз.

Табиат чирой очиб бораётган мана шу шукуҳли кунларда Халқ банкининг кўп минг сонли жамоаси барча дилбар қизларимиз, мунис аёлларимиз ва мўътабар онахонларимизни 8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ билан самимий муборакбод этади.
Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилаймиз. Гўзаллик ва самимий табассум сизларни ҳеч қачон тарк этмасин. Баҳорий ва байрамона кайфият ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Фурсатдан фойдаланиб, азиз опа-сингилларимиз ва барча юртдошларимизга Халқ банкининг қулай ва пасайтирилган фоизлардаги кредитларини тақдим этамиз.
Барча эҳтиёжлар учун қисқа муддатли кредитларни янги мақбул фоизларда олинг ва орзуингиздаги совғаларни харид қилиб, гўзаллик ва нафосат соҳибаларига унутилмас онларни туҳфа қилинг!

МАДАД:
* муддати – 6 ой;
* миқдори – 12 250 000 сўм;
* фоизи – 23%;
* талаб қилинадиган ҳужжатлар – паспорт.

РЕЖАЛИ ТЎЛОВ КАРТАСИ (РАССРОЧКА):
* муддати – 12 ой;
* миқдори – 24 500 000 сўм;
* фоизи – 0 %;
* талаб қилинадиган ҳужжатлар – паспорт.

ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ:
* муддати – 12-36 ой;
* миқдори – 24 500 000 сўм;
* фоизи – 23-26,99 %;
* талаб қилинадиган ҳужжатлар – паспорт, учинчи шахснинг кафиллиги, шартнома.

МИКРОҚАРЗ:
* муддати – 12 ой;
* миқдори – 24 500 000 сўм;
* фоизи – 23 %;
* талаб қилинадиган ҳужжатлар – паспорт, учинчи шахснинг кафиллиги.

Хизматлар лицензияланган

Халқ банки – ҳар доим ёнингизда!

Назира ШАЙХОВА:

«ТАҚДИРИМДАН РОЗИМАН»

Меҳмонимиз – олий тоифали фахрий шифокор, тиббиёт фанлари номзоди ва саломатлик тарғиботчиси, Тошкентдаги машҳур зиёлилар оиласи вакиласи – Назира Шайхова.

Назира опанинг тиббиётдаги 45 йиллик фаолияти параллел равишда телевидениеда ҳам кечди. У сиҳат-саломатлик мавзусидаги кўрсатувларни тайёрлаб, унда юқумли ва туғма нуқсонли касалликлардан тортиб эндокрин касалликлар, уларнинг келиб чиқиши ҳамда тарқалиши, олдини олиш ҳақида суҳбатлар, савол-жавоблар уюштириб, халқимиз тиббий саводхонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшди. Шу билан бирга, «Чимён» санаторийсида 20 йилдан ошиқ меҳнат қилиб, дам олувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилди. Суҳбатимиз машҳур Шайховлар сулоласи тарихи ва ушбу оиладаги 9 нафар фарзанднинг ҳам етук фан намояндалари бўлишига сабаб бўлган омиллар, телевидение ва у ерда ўтган қизғин фаолият ҳақида кечди.

– Назира опа, келинг, суҳбатимиз аввалида машҳур Шайховлар сулоласи ҳақида ўқувчиларимизга бироз тушунча берсангиз.

– Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги Ҳазрати Имом мажмуасига ҳар сафар дилимда ифтихор билан кираман. Боиси ушбу мажмуага ярашиб тушган Тилла Шайх масжиди она томондан бобом Ғулом Қорининг оталари – Тилла Шайх бувамиз томонидан 1885 йилда қурилган бўлиб, у киши ўз даврида Тошкентнинг энг зиёли инсонлари, қориларидан бири бўлган. Ғулом Қори очарчилик пайтларида отаси қурдирган Тилла Шайх масжидида катта қозонда овқат тайёрлаб, очларга, боқувчисиз қолганларга тарқатган экан. Она томондан бувим Мукамбархоннинг оталари Саидкаримбой бўлиб, у савдогар Саидаъзим Муҳаммадбойнинг ўғли эди. Саидаъзимбой Тошкентда биринчи бўлиб рус-тузем мактабини очган ташаббускорлардан бири бўлиб, алгебра, физика ва рус тилини дарсликларга киритган. Улар Шайхонтоҳурдаги Эшонқули додҳо мадрасаси биносини мактабга айлантирган ва мунтазам мактаб учун маблағ ажратиб турган. Кейинчалик оталарининг ишларини бобомиз Саидкаримбой давом эттириб, ўз уйидан мактаб очган ва яхши ўзлаштирган ўқувчиларни тақдирлашни канда қилмаган. Бир сафар тақдирланган етти нафар ўқувчилар орасида Абдулла Қодир ўғли ҳам бўлиб, заковати ва ўткир зеҳни билан бошқалардан ажралиб тургани учун Саидкаримбой томонидан олтин соат билан мукофотланган. Абдулла Қодирий ўғли кейинчалик катта ёзувчи – Жулқунбой, Абдулла Қодирий бўлиб танилган. Отам Ислом Шайхнинг оталари – Баҳром Шайх, Баҳром Шайхнинг отаси эса Акром Шайх бўлиб, у киши акалари – Тилла Шайх билан қуда бўлишган. Шу боис, оиламиз ота томондан ҳам, она томондан ҳам машҳур ака-ука зиёлилар – Акром Шайх ва Тилла Шайх боболарнинг авлодлари ҳисобланади.

– Ҳар қандай ютуққа эришган бахтли инсоннинг ортида кучли аёл туради, дейишади. Оилангизда тўққиз нафар фарзанд ҳам ҳавас қилгулик илмий салоҳият эгалари. Бу – бекорга эмасдир...

– Ҳа, тўғри таъкидладингиз. Отамиз Исломшайх савдо тизимида ишлаган бўлса, онам математика ўқитувчиси бўлган. Бизнинг яхши ўқишимиз, дунёқарашимизнинг бой бўлишига катта эътибор қилишган. Оиламизда мен, Маъсудахон опам, синглим Гули, укаларим Анвар ва Шуҳрат шифокор бўлдик. Ҳожиакбар, Санъат, Шавкат ва Асад эса техника йўналишидан кетишди. 9 фарзанднинг етти нафари фан номзоди, синглим Гули тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ҳожиакбар эса машҳур ёзувчи бўлиб етишди. Отам – Исломшайх ҳам ниҳоятда билимдон инсон эди. Муяссархон онажоним эса қаттиққўллик билан тарбиямизга эътиборли бўлар, бизга аждодларимиз, бобо-бувиларимизга муносиб инсон бўлишни уқтириб, аълога ўқишимизни талаб қиларди. Бўш вақтимиз бўлмас, ўқишдан ортган пайтларимизни эса уй ишларига қарашиш, ўқувчилар саройига қатнаш билан ўтказар эдик. Мен ва опа-сингилларим, укаларим Ҳожиакбар – Шуҳрат ва Санъат ҳам мусиқани ўрганганмиз, пианинони яхши чалардик. Айниқса, Ҳожиакбар вазминлиги билан ажралиб турар, китобга ҳаддан ортиқ даражада меҳр қўйганди. У онам ва Мукамбархон бувимдан юққан адабиётга меҳр туфайли русча ва ўзбекча китобларни кўзига суртиб ўқирди. Мен шуни аниқ айта оламанки, она ўз фарзандларида китобга муҳаббат уйғота олса, қайси касбни танлашларидан қатъи назар, улар етук мутахассис бўлиб етишади. Биз ака-ука ва опа-сингилларнинг муваффақиятли ҳаёт йўлимизда ҳам аввало, генетик салоҳият, қолаверса, доим маррани баланд кўзлаган, олдимизга тўғри мақсад қўйишни ўргатган ота-онам ва адабиётга ошно бувижонимнинг меҳнатлари, ҳиссалари каттадир.

– Келинг, энди шифокорлик фаолиятингиз, телевидениедаги чиқишларингизни ҳам хотирласак. Телевидениега қандай келиб қолгансиз?

– Тошкентдаги Кўкча даҳасида жойлашган 40-мактабнинг 6-«Б» синфида ўқирдим. Бир куни мактабимизга радиодан Азиз Ёқубов келди. Мени радиода мактабимиз ҳақида гапириб беришга таклиф қилди. Таклифга биноан радиода, мактабимиз, ўқитувчиларим ва синфдошларим ҳақида

Фотоархив

«Эфир ҳаяжони»

гапириб бердим. Чиқиш қилишимдан олдин радио бош муҳаррири – Ўлмас Умарбеков микрофонда гапиришни, аввало матнни тўғри тушуниб ўқиб олиш кераклигини ўргатди. Радиодагиларга гапиришим маъқул бўлган, шекилли, мени «Пионер ерталиги» эшиттиришига сухандонликка таклиф этишди. У ерда Латиф Маҳмудов, Жавлон Тошхўжаев, Жонрид Абдуллахонов, Дилфуза Ғуломова, Ақидахон Фозилова, Насибахон Иброҳимова каби сўз санъаткорларидан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Айниқса, Ўлмас Умарбековнинг юксак муомала маданияти ва теран ақлий тафаккури, фикрлаши, сухандонликка оид ўргатган ўгитлари бир умр ёдимда қолган.

Радиода матн ўқиш усуллари, сўзларни аниқ ифода қилишни, урғу бериб гапиришни ўргандим. Аввало, матнни яхшилаб ўзлаштириб олсангизгина, гапириш осон бўлар экан. Бу ерда бироз ишлаганимдан кейин «Ўзбекфильм»га таклиф этишди. У ерда болалар ҳақидаги фильмларни ўзбек тилига ўгиришда иштирок этдим. Укаларим – Санъат, Гулихон, Шавкат, Шуҳрат ва Асаджонлар ҳам дубляжда қатнашишди. Оиламиз аъзоларининг 150дан ортиқ фильмда овозлари ёзилган.

Бундан бир неча кун аввал кўрсатувда ўша пайтдаги соғлиқни сақлаш вазири Қаюм Собиров, профессор Вали Мажидовларни таклиф қилиб, юқумли касалликларни даволаш, йўқотиш ва эпидемияларнинг олдини олиш каби долзарб мавзуда суҳбат уюштиргандик. Унда мамлакатимиз тиббиётининг келажаги, болалар шифокорлари тайёрлайдиган Ўрта Осиё Педиатрия тиббиёт олийгоҳини очиш масалалари муҳокама қилинганди. Давлат раҳбарига шу кўрсатув маъқул бўлган экан ва биз кўрсатув жамоаси бу эътирофдан хурсанд бўлиб, янада катта шижоат билан ишларни давом эттирдик.

1956 йил ноябрда Ўзбекистон телевидениесида биринчи кўрсатув эфирга узатилган. Ушанда биз ҳам болалар кўрсатувларида қатнашдик. Кейинчалик «Студентлик олтин даврим», «Жаҳон ёшлари», «Истиқбол эгалари», «Қизлар даврасида» деган кўрсатувларни дугонам Дилфуза Ғуломова билан биргаликда олиб бордик. Бунда кўрсатув муҳаррирлари Элбек Мусаев, Анвар Каримов, Ўғилой Юсупжонова, режиссёрлар – Мели Маҳкамов, Маҳкам Маҳамедовларнинг катта тажрибасини ўргандим. 1964 йилдан бошлаб эса телевидениеда «Сиҳат-саломатлик», «Оналар мактаби», «Врач маслаҳати» каби кўрсатувларга бошловчилик қилдим.

– Кўрсатувларингиз оммалашиб кетишининг сабаби нима бўлган, деб ўйлайсиз?

– Тиббиёт мавзусидаги кўрсатувларимнинг оммалашиб кетиши боиси, аввало, Йўлдош Мансуров, Эркин Азимов каби кучли муҳаррирлар билан ишлаганим, қолаверса, ўзим ҳам тиббиёт йўналишида таҳсил олганим туфайли бўлса керак. 1960 йилда мактабни олтин медаль билан тугатиб, ҳозирги Тошкент тиббиёт академиясига ўқишга кирдим. Талабалигимда ҳам кўрсатувлар тайёрлаб юрдим. Одатда, телевидениега дарсдан кейин борганим учун у ўқишимга халақит бермасди. Қайтанга, «Сиҳат-саломатлик»кўрсатувига савол-жавобларни ташкил этишда кучли профессорларни, олимларни таклиф этардик. Улар билан суҳбатлашиб, интервьюлар олиб, билимим янада чархланарди. Устоз сухандон Ўктам Жобировдан ҳам кўп яхши жиҳатларни ўргандим, тобора маҳоратим ошиб борди. Бу орада институтни тамомлаб, у ерда «Анатомия» фанидан ўқитувчи бўлиб ишга қолдим. Шу билан бирга, кўрсатувларни тайёрлашда ҳам давом этдим.

Бир куни бизни телевидениенинг ўша пайтдаги бошлиғи Убай Бурҳон йўқлагани, зудлик билан у кишига учрашишимизни айтишди. Институтда дарсларимни ўтиб бўлгач, Йўлдош ака ва Эркин ака билан телевидениеда раҳбар ҳузурига кирдик. У киши бизни табриклагани чақиртирган экан. Убай Бурҳонга давлат раҳбари – Шароф Рашидов қўнғироқ қилиб, тиббий йўналишдаги кўрсатувларнинг мазмун-моҳияти ошаётгани, шу руҳда давом этиш зарурлигини айтибди.

Бир куни бизни телевидениенинг ўша пайтдаги бошлиғи Убай Бурҳон йўқлагани, зудлик билан у кишига учрашишимизни айтишди. Институтда дарсларимни ўтиб бўлгач, Йўлдош ака ва Эркин ака билан телевидениеда раҳбар ҳузурига кирдик. У киши бизни табриклагани чақиртирган экан. Убай Бурҳонга давлат раҳбари – Шароф Рашидов қўнғироқ қилиб, тиббий йўналишдаги кўрсатувларнинг мазмун-моҳияти ошаётгани, шу руҳда давом этиш зарурлигини айтибди. Шу боис Убай ака ҳар биримизнинг қўлимизни олиб, табрикладилар. Бундан бир неча кун аввал кўрсатувда ўша пайтдаги соғлиқни сақлаш вазири Қаюм Собиров, профессор Вали Мажидовларни таклиф қилиб, юқумли касалликларни даволаш, йўқотиш ва эпидемияларнинг олдини олиш каби долзарб мавзуда суҳбат уюштиргандик. Унда мамлакатимиз тиббиётининг келажаги, болалар шифокорлари тайёрлайдиган Ўрта Осиё Педиатрия тиббиёт олийгоҳини очиш масалалари муҳокама қилинганди. Давлат раҳбарига шу кўрсатув маъқул бўлган экан ва биз кўрсатув жамоаси бу эътирофдан хурсанд бўлиб, янада катта шижоат билан ишларни давом эттирдик.

Фотоархив

«Машҳур сухандон Ўктам Жобировдан кўп сабоқлар олганман»

Кўп ўтмай Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг санитария маорифи ишлари бўйича ўринбосари лавозимига тайинландим. Бу лавозим 24 ёшимда зиммамга жуда катта масъулият юклаган бўлса-да, саломатлик тарғиботчиси сифатидаги фаолиятимга мос ва ҳамоҳанг эди. Бир томонда оилали, уч нафар фарзандим, бир тарафда бошқарма ишлари ва телевидение фаолияти мени чинакам ҳаёт мактабида қайнатарди.

– Иш жараёнида қандай муҳим вазифаларни уддалагансизлар, нималар ёдингизда қолган?

– Инсон касбини севса, унинг машаққатлари сезилмайди, деганлари рост экан. Мен ҳам ўз ишимни севганим учун оиламга ҳам, ишимга ҳам улгурардим. Тўғрироғи, шунга ҳаракат қилардим. Энг аввало, шаҳар бошқармасида ўринбосар бўлганимдан кейин янада кўрсатувлар сифатини оширишга ҳаракат қилдим. Қайси ойда юқумли касалликларнинг қайси бири кўпайиши ҳақида статистик маълумотлар асосида инфекционист, эпидемиолог, СЭС раҳбарлари билан учрашувлар, суҳбатлар уюштирардик. Дори-дармонлар масаласига тўхталардик. Шу билан биргаликда, юқумли касалликларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, уни юқтириш йўллари, бошланиш белгилари ҳақида халққа содда ва жўн тушунтирардик. Ундан ташқари, онкология, инсульт, ботулизм, ревматизм, диабет, тўғри овқатланиш, шахсий гигиена ва пахта далаларидагилар учун тўғри овқатланиш мавзуларини ҳам кенг ёритиб борардик. Қаерда, қайси юқумли касаллик тарқалса, ўша ердаги ҳудудий ва марказий газеталардан ҳам оқилона фойдаланиб, олимларимизнинг тиббий мавзуларда чиқишларини уюштирардик. «Тошкент оқшоми» газетаси ва «Саодат» журналида профессорларимизнинг мунтазам чиқишларини йўлга қўйдик.

Бу орада аспирантурада ўқишни бошладим ва Москвага малака оширишга бориб келдим. Сўнг ишимни Тошкент шаҳар 1-клиник юқумли касалликлар шифохонасида шифокор, кейинчалик бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари лавозимларида давом эттирдим. У ерда энг тажрибали шифокорлар билан ёнма-ён ишлаб, улардан катта тажрибалар ўргандим. Иш жараёнида оддий йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслик оқибатида фалокатга учраган инсонларга кўп дуч келардим. Бир сафар улар ҳақидаги статистикани олиш учун Тошкент шаҳар давлат автомобиль назорати бошқармаси бошлиғи олдига киришимга тўғри келганди. Суҳбат жараёнида йўл ҳаракати қоидаларини билмаслик оқибатида фалокатга учраётган юртдошларимиз кўплигини, бу мавзуда телевидениеда алоҳида кўрсатув йўлга қўйиш лозимлигини таъкидладим. Раҳбар керакли маълумотларни берди ва таклифларимни тинглаб, «Тўғри айтасиз, аллақачон буни қилишимиз керак эди», дея фикрларимдан хурсанд бўлди. Кўп ўтмай эса «Йўл ҳаракати қоидаларини ўрганамиз» деган кўрсатув пайдо бўлди ва у мазмунан бошқа номлар билан ҳалигача давом этмоқда.

– Москва телевидениеси ҳам фаолиятингиз билан қизиққан экан, бу қандай бўлган эди?

– Телевидениеда жуда кўп инсонлар билан танишдим. Устозлар, шогирдлар, дўстлар ва томошабин мухлислар орттирдим. Бир сафар бизни Москва телевидениесига чақиртиришди. Улар менга «Қандай қилиб бундай тиббий кўрсатувни тайёрлайсизлар», «Қандай қилиб шунча вақт сизларга берилади?», «Қаерда таҳсил олгансиз?» каби саволларни қалаштириб ташлашди ва уларнинг барчасига жавоб бердим. Шунда «Ҳаа... сиз кичкинагина қиз бўлсангиз ҳам, ўз ишингизга жуда муносиб экансиз, шунинг учун ҳам кўрсатувларингиз яхши чиқаётган экан-да», дейишди.

Кейинчалик касаба уюшмалари тизимидаги «Чинобод» санаторийсида ишладим. Бу йиллар ҳам ҳаётимнинг ўчмас саҳифаларидан жой олди. Айримлар санаторийда ишлаган шифокорларга осонроқ, деб ўйлашади. Аслида эса ундай эмас, бу ерда жуда зийрак бўлишингиз керак. Чунки касалхонага касаллиги аниқ, маълум бир аъзоси оғриқдан безовта қилаётган инсон борса, санаторийга, одатда, касалликдан тузалган ёши катталар ва сурункали касаллиги бўлган юртдошларимиз профилактика учун боришади. Яъни, бундай пайтда одам ўзини соғлом ҳис қилса-да, организмда қандайдир ўзгаришлар кечаётган бўлиши мумкин ва санаторийдаги парафин, массаж, иссиқ душлар организмдаги жараёнларга ижобий эмас, аксинча, салбий таъсир қилиши ҳам мумкин. Бу масканда ишлаётган шифокорлар ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ҳар бир дам олувчини чуқур ўрганган ҳолда, индивидуал ёндашишлари керак. Ўзимга келсак, «Чинобод» санаторийсида ишлаган йилларим ана шу жиҳатларга эътиборли бўлганман.

Юнусобод тумани ҳокимлигининг хотин-қизлар қўмитаси раиси Ҳадичахон Атаматова билан ҳамкорликда университетларда, маҳаллаларда, мактаб ва коллежларда мунтазам ижтимоий-тиббий мавзуларда тадбирлар уюштирганмиз, «Оила дорилфунуни»ни йўлга қўйганмиз. Бу учрашувларнинг қамрови ва нуфузи ҳам юқори даражада ташкиллаштирилганини бугун ички қониқиш билан эслайман. Фидойи ҳамда заҳматкаш инсонлар билан елкадош бўлиб ишлаганимдан фахрланаман. Бу орқали одамларнинг соғломлашишига ёрдамим текканидан, баъзида улардаги жиддий муаммоларни вақтида аниқлаб, соғлиғидаги салбий ҳолатларнинг олдини олишга муваффақ бўлганимдан хурсанд бўламан.

Аёл киши оиласини уддалаши, солиҳ фарзандлар тарбиялаши билан бирга, жамиятга ҳам фойдаси тегса, ўзини чинакам бахтиёр ҳис этади. Мен ана шу бахтни ҳис этганимдан тақдиримдан мингдан-минг розиман!

«Ishonch» мухбири Зебо НАМОЗОВА суҳбатлашди

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррирлар:
Ж. Наҳанов,
А. Абдураҳмонов

Мусаҳҳиҳлар:
С. Шодиева,
З. Холмуҳаммедова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **23:20**
Топширилди – **00:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 6 босма табоқ. Буюртма **Г – 306.** **30475** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-ўй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-ўй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130